2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 212 (1811), 2026 йил 14 октябрь, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЯЙЛОВЛАРНИНГ ТАБИИЙ ҲОЛАТИНИ САҚЛАШ ВА УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев яйловлар деградациясининг олдини олиш, сув таъминотини яхшилаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш юзасидан тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда 21 миллион 255 минг гектар яйлов мавжуд, бироқ уларнинг атиги 40 фоизидан самарали фойдаланилмоқда. Давлатимиз раҳбари ушбу катта имкониятни тўлиқ ишга солиш юртимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда фавқулодда муҳим эканини кўрсатиб ўтди.

Яқинда яйловлардан самарали фойдаланиш бўйича имзоланган Президент қарори ижросини ташкил этиш вазифалари белгилаб олинди. Ҳокимлар олдига йил якунигача 620 минг гектар, келгуси йилда 3 миллион 700 минг гектар яйловни қайта тиклаш ва ҳосилдорлигини ошириш вазифаси қўйилди. Улар Чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш агентлиги билан бир ой муддатда деградацияга учраган майдонларни жорий йилда 10 фоизга, келаси йили 20 фоизга қисқартириш бўйича комплекс дастурларни тасдиқлайди.

Навоий вилоятида маҳаллий бюджетдан ажратилган 30 миллиард сўм ҳисобига “Кенгсой” насос станцияси реконструкция қилиниб, 20 минг гектар яйлов ўзлаштирилмоқда. Бу имкониятдан фойдаланиб, 11 та тадбиркор сув ҳавзалари қуриш ва ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий этишга киришган. Натижада ушбу майдонларда 60 минг бош қорамол учун йилига 250 минг тонна озуқа етиштириш имконияти пайдо бўлади.

Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида эса 1 минг 332 гектар яйловда пивот суғориш тизими жорий этилиб, маҳаллий шароитга мос янги озуқабоп ўсимликлар экилмоқда. Ушбу тажрибани Муборак ва Деҳқонобод туманларида ҳам йўлга қўйиш, шунингдек, бир йил ичида жами 9,4 минг гектар уруғчилик майдонини ташкил этиш топширилди.

Яйловларни сув билан таъминлаш учун молиявий манбалар ҳам белгиланди. Яйловлар ижарасидан тушадиган маблағлар ҳудудий яйлов хўжаликлари ихтиёрида қолдирилади. Ушбу маблағлар ҳисобидан қўшимча 448 та қудуқ қазилиб, келгуси йилда 1,5 миллион гектар яйловнинг сув таъминоти яхшиланади. Йил якунигача 1 минг 600 та қудуқ таъмирланади.

Қолаверса, бюджетдан ажратилган 100 миллиард сўм ҳисобидан жорий йилда 161 та, 2027 ва 2028 йилларда 81 тадан — жами 323 та суғориш иншооти барпо этилади. Бу 969 минг гектар яйловни тиклаш имконини беради.

Яйловлардан узоқ йиллардан буён фойдаланиб келаётган чорвадорларнинг ҳуқуқларини расмийлаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Ҳозир 260 минг бош чорва боқилаётган 623 минг гектар яйловни амалдаги фойдаланувчилар номига расмийлаштириш учун тегишли комиссиянинг ваколати йил охиригача узайтирилади.

Олис ҳудудлардаги аҳоли ўз хонадонларидаги чорвани ўтлатиши учун жамоат яйловлари ташкил этилади. Йил якунигача 470 та маҳаллага 627 минг гектар яйлов 49 йилга бепул ижарага берилади. Ушбу майдонлар соликдан озод қилинади.

Янги тартибга кўра, яйлов ерларининг тоифасини ўзгартирмасдан чорвачилик комплекслари қуришга рухсат берилади. Бу жараёнда ер участкаларининг бошланғич нархи ва ер солиғи қишлоқ хўжалиги ерлари каби ҳисобланади. Навоий, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида жами 130 гектар майдонда 55 минг бошдан ортиқ чорвага мўлжалланган 15 та комплекс қурилиши белгиланди.

Яйловлардан фақат чорва боқиш учун эмас, балки экотуризм, асаларичилик, доривор ўсимликлар етиштириш, кўчатчилик, овчилик ва пиллачилик йўналишларида ҳам фойдаланиш муҳим экани қайд этилди. Шу сабабли яйловларни мазкур фаолият турлари учун ҳам ижарага беришга рухсат этилади. Бундай лойиҳаларни амалга оширишда яйловларнинг табиий ҳолатини сақлаш ва уларнинг қайта тикланишини таъминлаш муҳимлиги таъкидланди.

Мутасаддиларга яйловларни тиклаш, сув ва озуқа базасини мустаҳкамлаш, аҳоли ҳамда тадбиркорлар учун белгиланган янги имкониятларни жойларда амалга ошириш юзасидан топшириқлар берилди.

ЎзА

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ОҲИЧК САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 14-15 октябрь кунлари амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Мамлакатимиз етакчиси Боку шаҳрида бўлиб ўтадиган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг еттинчи саммитида иштирок этади.

Озарбайжон раислигида ўтказиладиган форум кун тартибидан Осиё қитъасида ишонч, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳамда Кенгашнинг институционал ривожланишини янада такомиллаштиришга оид долзарб масалалар ўрин олган.

Транспорт боғлиқлигини ривожлантириш, рақамлаштириш, барқарор иқтисодий ўсиш ва бошқа устувор йўналишларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилади.

Иштирокчилар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашадилар.

Тадбир якунлари бўйича Боку декларацияси ҳамда Ташкилотнинг роли ва самарадорлигини оширишга қаратилган қарорлар тўпламини қабул қилиш режалаштирилган.

Саммит доирасида Президент Шавкат Мирзиёев хорижий делегациялар раҳбарлари билан қатор икки томонлама учрашувлар ўтказади.

Таъкидлаш жоиз, ОҲИЧК Осиёда ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган халқаро форум ҳисобланади. Ҳозирги вақтда Кенгаш қитъа ҳудуди ва аҳолисининг қарийб 90 фоизини ташкил этувчи 28 та давлатни бирлаштирган.

ЎзА

ИССИҚХОНАЛАР “ЯШИЛ” ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗ ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 октябрь куни иссиқхоналар фаолиятига “яшил” технологияларни жорий қилиш ва уларнинг экологик хавфсиз фаолият юритишини таъминлаш юзасидан тақдимот билан танишди.

Аввало, Тошкент шаҳри ва унга туташ ҳудудлардаги иссиқхоналар ҳолати таҳлил қилинди. Ўтган йили махсус комиссия томонидан иссиқхоналар хатловдан ўтказилиб, муайян қисмига экологик тоза энергия манбаларига ўтишига кўмаклашилди. Шу билан бирга, айрим хўжаликларда ҳали ҳам кўмирдан фойдаланилмоқда.

Куз-қиш ойларида шамол сустлашиши ва ҳарорат инверсияси туфайли иссиқхоналардан чиқадиган ташламалар пойтахт ва унинг атрофида тўпланиши мумкин.

Шу боис, Тошкент шаҳри ва унга туташ бешта туманда иссиқхоналар учун “яшил” технологияларга асосланган махсус экологик тартиб жорий этиш таклиф қилинди. Иситишда табиий газ, электр, геотермал ва қуёш энергияси, шунингдек, иссиқлик электр станцияларининг иккиламчи иссиқлигидан фойдаланишга рухсат берилади. Шина, пластмасса, битум, мазут, ишлатилган мой ва чиқиндиларни ёқишга йўл қўйилмайди.

Қаттиқ ёқилғида ишлаётган иссиқхоналарга жорий йил 1 декабрга қадар ушбу манбаларга ўтиш таклиф қилинади. Ёқилғини ёпиқ жойда сақлаш, автоматлаштирилган қозонлар ва самарали чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатилган бўлиши, кул ва шлакни хавфсиз йиғиш учун шароит, захира генератори мавжудлиги, тутун мўриси минимал баландлик меъёрига мувофиқлиги каби қатъий техник талабларга мос бўлган иссиқхоналаргагина қаттиқ ёқилғидан фойдаланишга рухсат берилиши мумкин.

Жорий йил 15 октябрдан келгуси йил 15 мартга қадар иссиқхоналарда доимий экологик мониторинг олиб борилади. Унда чанг-газ тозалаш ускуналарининг ишлаши, ҳавога чиқарилаётган ташламалар миқдори ва ёқилғи турларига қўйилган талабларга риоя этилиши назорат қилинади. Ўлчов ускуналари ва видеокузатув воситаларидан олинадиган маълумотлар Экология қўмитасининг ахборот тизимига реал вақт режимида узатилади. Мониторингда дронлардан фойдаланилади, жамоатчилик назорати вакиллари ҳам иштирок этади.

Чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатилмагани, ташламалар меъёрдан ошгани ёки тақиқланган ёқилғи ишлатилгани аниқланса, белгиланган тартибда таъсир чоралари қўлланилади. Зарур ҳолларда иссиқхона фаолияти тўхтатилади.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

РОБОТОТЕХНИКА БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУРАББИЙЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзининг юксак интеллектуал салоҳияти, профессионал маҳорати ҳамда замонавий муҳандислик соҳасидаги чуқур билим ва малакасини яққол намоён этиб, Корея Республикасининг Инчхон шаҳрида ўтказилган “FIRST Global Challenge” халқаро робототехника мусобақасида дунёнинг 190 га яқин мамлакатидан келган иқтидорли ёшлар ўртасида рекорд натижага эришиб, том маънода тарихий ғалабани қўлга киритгани ва жаҳон чемпиони деган улкан шарафли номга сазовор бўлгани, шу тариқа Янги Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътибори ва нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшгани, ёш авлодни илм-фан, илғор технологиялар, ихтиро ва инновацияларга кенг жалб этиш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ғурур туйғуларини камол топтириш борасида алоҳида намуна кўрсатиб келаётгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Содиқ хизматлари учун” медали билан

Бўтахонов Зиёдулла Зойиржон ўғли — Робототехника бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийси

“Келажак бунёдкори” медали билан

Саломов Иброхим Уктамович — Робототехника бўйича Ўзбекистон терма жамоаси сардори

Абдужабборов Абдуллох Абдуғофур ўғли — Робототехника бўйича Ўзбекистон терма жамоаси техник мураббийси

Акбаров Шохрухбек Аъзамжон ўғли — Робототехника бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Косимов Акбаршох Анвар ўғли — Робототехника бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Мирахмедов Аюбхон Анвар ўғли — Робототехника бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Пардаев Умарбек Шерзод ўғли — Робототехника бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Содиқов Шукрулло Шерали ўғли — Робототехника бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Тешабаев Махкамбек — Робототехника бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Тешабаева Сафина — Робототехника бўйича Ўзбекистон терма жамоаси менежери

Тожиқўзиев Жасурбек Рустамжон ўғли — Робототехника бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Урманов Баходир Дониёрович — Робототехника бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Урманов Хондамир Дониёрович — Робототехника бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Юсупхўжаев Ҳасанхон Алишер ўғли — Робототехника бўйича Ўзбекистон терма жамоаси менежери

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2026 йил 13 октябрь

ИНСОН ҚАДРИ, ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА АДОЛАТ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ УСТУНЛАРИ

Бешинчи миллий дастур шарҳи

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, инсон қадрини улуғлаш, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистон шароитида суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш борасидаги янгиланишлар тобора чуқурлашиб бормоқда.



Янгиланган Конституция асосида инсон манфаатларининг устуворлигини таъминлаш, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларнинг таъсирчан кафолатларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Айни пайтда “Одил судлов — 2030” стратегиясида суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янги босқичга олиб чиқиш, халқчил, мустақил ва адолатли суд тизимини шакллантириш учун янги вазифалар белгилаб берилди.

Мустақиллик фалсафаси

Ўттиз беш йиллик мустақил тараққиёт Ўзбекистон учун давлатчиликни мустаҳкамлаш, жамиятни янгилаш ва инсон манфаатларини давлат сиёсати марказига олиб чиқиш даври бўлди. Мустақилликнинг мазмун-моҳияти, аввало, инсоннинг ўз юртида эркин ва муносиб яшаши, ҳуқуқ ва эркинликларидан амалда фойдаланиши, қадр-қиммати давлат томонидан ҳурмат қилиниши ва ҳимоя қилинишида намоён бўлади.

Шу маънода, мамлакатимизнинг 35 йиллик тараққиёт йўли бир муҳим ҳақиқатни тасдиқлади: барқарор ривожланиш, инсон қадри ва жамиятдаги ишонч қонун устуворлиги ҳамда самарали суд ҳимоясисиз тўлиқ таъминланмайди. Конституциянинг олий юридик кучини рўёбга чиқаришда эса конституциявий назорат алоҳида ўрин тутади.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимда мустақилликнинг буюк аҳамияти, энг аввало, инсон қадри ва эркин ҳаётида намоён бўлишини таъкидлади. Шунингдек, ислоҳотларнинг дастлабки кунларидан “Инсон қадри учун” ғояси давлат сиёсатининг марказига олиб чиқилди.

Давоми 3-бетда

АНИҚЛИК, МАНТИҚ ВА УЙҒУНЛИККА АСОСЛАНГАН ТАФАККУР

Ўзбекистон Фанлар академияси В.И.Романовский номидаги Математика институти директори, академик Ўткир РОЗИҚОВ билан “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳаррири Салим ДОНИЁРОВ суҳбати

Бизнинг суҳбат

Давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятининг дастлабки кунларида Ўзбекистон Фанлар академияси аъзолари билан учрашиб, фан ва таълим олдида турган вазифаларни ўртага ташлаган ҳамда илм-фан соҳасига эътиборни кучайтириш тўғрисида топшириқлар берган эди. Шундан сўнг мамлакатимизда илм-фан ва таълимни замонавий талабларга жавоб берадиган даражага олиб чиқишга қаратилган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Президентимиз ташаббуси билан Математика институти учун янги, замонавий, инновацион бино қуриб берилди. Ушбу фанни ривожлантириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилди.



Бугун рақамлаштириш ва сунъий интеллект даврига қадам қўяётган жамият учун математиканинг аҳамияти янада ортмоқда. Катта маълумотлар оқимини таҳлил қилиш, мураккаб тизимларни бошқариш, иқтисодий жараёнларни прогнозлаш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, янги технологияларни яратиш — буларнинг барчасида математик тафаккур ва фундаментал математик билимга эга янги авлод кадрлари салоҳиятига таянилади.

Давоми 5-бетда

Ўзбекистон ОҲИЧКнинг таъсисчи давлатларидан бири сифатида ташкилот фаолиятида фаол иштирок этиб келмоқда. Айниқса, 2017 йилдан кейин мамлакатимизнинг ушбу ташкилот фаолиятидаги ўрни янада ортди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 14 октябрь, 212-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ИССИҚХОНАЛАР “ЯШИЛ” ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗ ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИ

Бошланиши 1-бетда

Иссиқхона хўжаликларининг янги талабларга мослашиши учун молиявий кўмак чоралари ишлаб чиқилган. Экологик ва энергия тежамкор ускуналарни ўрнатишга ҳар гектар учун 50 миллион сўмгача субсидия, етти йил муддатга 3 миллиард сўмгача имтиёзли кредит ажратиш таклиф этилди. Мониторинг ускуналарини харид қилиш ва ўрнатиш харажатларини енгиллаштириш ҳам назарда тутилган.

Шахсий томорқалардаги иссиқхоналарни янгилашга кўмаклашиш бўйича алоҳида таклифлар тайёрланган.

Хусусан, 2030 йилгача ер ва мол-мулк солиқларини 50 фоизга камайтириш, айланмадан олинадиган солиқдан озод қилиш ҳамда энергия тежамкор тизимлар истеъмол қилган электр энергияси харажатининг ярмини қоплаш таклиф этилмоқда. Тошкент шаҳри ва унга туташ ҳудудлардаги хонадонларга “яшил” энергия манбалари ва самарали ускуналарни жорий этиш учун 100 миллион сўмгача грант ажратиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Янги “яшил” иссиқхона қуришга 300 миллион сўмгача, мавжудини қайта жиҳозлашга 150 миллион сўмгача имтиёзли кредит бериш назарда тутилмоқда. Иссиқхоначиликка ихтисослашган 50 та маҳаллада эҳтиёжманд оилалар учун экологик хавфсиз иссиқхоналар ташкил этиш режалаштирилган.

Иссиқхоналарда ҳосил бўладиган ифлосланган дренаж ва фильтр сувларини йиғиш, тозалаш ҳамда қайта ишлатиш масаласи ҳам кўтарилди. Бунинг учун махсус оператор фаолиятини йўлга қўйиш ва Оҳангарон туманида зарур инфратузилмани ташкил этиш таклиф қилинди.

Тақдимотда иқлими қулай ҳудудларда замонавий иссиқхоначиликни ривожлантириш имкониятлари ҳам кўриб чиқилди. Шеробод туманидаги “Сурхон-Агро” эркин иқтисодий зонасига 940 гектар ер ажратилган ва унинг мастер режаси ишлаб чиқилган. Зонада иссиқхоналар ва агрологистика объектларини барпо этиш, шу жумладан, банклар балансидаги иссиқхоналарни бу ерга кўчириш таклиф этилди.

Эркин иқтисодий зонада инвесторлар учун ер ижарасига беш йил давомида ноль ставка қўлланилмоқда, канализация ва ер ости сувлари билан боғлиқ тўловлар бўйича уч йиллик имтиёз берилган. Қўшимча равишда ер участкаларини норматив қийматининг 10 фоизи миқдоридаги бошланғич нарх билан аукционга чиқариш, қиймати 10 миллион доллардан юқори бўлган лойиҳалар ҳамда Тошкент шаҳри ва вилоятидан иссиқхоналарини кўчирадиган тадбиркорлар учун эса ушбу кўрсаткични 1 фоиз этиб белгилаш таклиф қилинди.

Шунингдек, зона иштирокчиларини беш йилга ер, мол-мулк ва фойда солиқларидан, олиб келинадиган иссиқхона ускуналарини божхона божидан озод қилиш таклифи кўриб чиқилди. 400 гектар майдонда иссиқхоналар ва агрологистика объектларини барпо этиб, инвесторларга тайёр лойиҳа сифатида сотиш режалаштирилмоқда. Инфратузилмага 220 миллиард сўм, лойиҳаларни молиялаштиришга 200 миллиард сўм йўналтириш ҳамда 2027 йилда 100 миллион доллар инвестиция жалб этиш вазифаси қўйилди.

Мутасаддиларга иссиқхоналарнинг жойлашуви, энергия ресурслари манбалари ва уларни етказиб бериш ҳажмини акс эттирувчи рақамли харитани тайёрлаш топширилди. Шунингдек, иссиқхона маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда сотиш имкониятларини кенгайтириш бўйича чоралар ишлаб чиқилади.

ЎзА

ОҲИЧКНИНГ БОКУ САММИТИ МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК ВА КЕЛГУСИ ТАРАҚҚИЁТ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 14–15 октябрь кунлари амалий ташриф билан Озарбайжонда бўлади ва Боку шаҳрида ўтказиладиган Осиёда ўзаро ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш (ОҲИЧК)нинг навбатдаги саммитида иштирок этади.

Ўзбекистон ОҲИЧКнинг таъсисчи давлатларидан бири сифатида ташкилот фаолиятида фаол иштирок этиб келмоқда. Айниқса, 2017 йилдан кейин мамлакатимизнинг ушбу ташкилот фаолиятидаги ўрни янада ортди.

ОҲИЧКнинг 2019 йилда Душанбе, 2022 йилда эса Остона шаҳарларида ўтказилган саммитларида Президентимиз Шавкат Мирзиёев юзага келаётган янги геосиёсий воқеликларни ҳисобга олиш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш ва иқтисодий алоқаларни кенгайтириш борасида қатор ташаббусларни илгари сурди.

Мазкур учрашувларда билдирилган таклиф ва ташаббуслар ташкилотнинг келгуси ривожланиш йўналишларини белгилаш, Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш борасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

ОҲИЧКни ташкил этиш ташаббуси 1992 йил 5 октябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 47-сессиясида илгари сурилган. Ундан кўзланган асосий мақсад Осиёда хавфсизликни таъминлаш бўйича умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш ва давлатлар ўртасида ишонч муҳитини шакллантиришдан иборат бўлган. Ўтган давр мобайнида ташкилот босқичма-босқич ривожланиб, хавфсизлик, иқтисодиёт, экология ва гуманитар ҳамкорлик бўйича минтақавий мулоқот майдонига айланди.

Бугунги кунда ОҲИЧКга 28 та давлат аъзо. Ташкилот БМТ, ЕХҲТ, ШҲТ ва бошқа халқаро тузилмалар билан муносабатларни ривожлантириш борасида кенг кўламдаги саъй-ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда.

Сўнгги йилларда Осиё халқаро сиёсат ва жаҳон иқтисодиётининг муҳим марказларидан бирига айланмоқда. Минтақада геосиёсий рақобат кучайиши, қуролли можаролар, терроризм, трансмиллий жиноятчилик, иқлим ўзгариши, сув ва озиқ-овқат хавфсизлиги, рақамли технологиялар билан боғлиқ янги таҳдидлар давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришни тақозо қилмоқда.

Бундай шароитда ОҲИЧКнинг аҳамияти янада ортади. Ташкилот сиёсий мулоқотни ривожлантириш, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ва умумий муаммоларни тинч йўл билан ҳал этиш бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурмоқда.

Бокудаги саммитнинг асосий аҳамияти шундаки, у ташкилотнинг келгуси мақоми ва имкониятларини белгилашга хизмат қилади. Хусусан, ОҲИЧКни тўлақонли халқаро ташкилотга айлантириш, ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда шерикликнинг амалий натижаларини кенгайтириш саммит кун тартибининг муҳим йўналишларидир.

Дунёдаги мавжуд мураккаб геосиёсий вазият шароитида ҳар томонлама самарали қарорлар қабул қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, Боку саммити давлатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш ва ОҲИЧКнинг замонавий таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб жавоб беришида жуда муҳим.

Озарбайжоннинг 2024-2026 йилларда-ги раислиги даврида ушбу жараёнга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Боку томонидан илгари сурилган “Кучли ОҲИЧК: Осиёда ўзаро боғлиқлик, рақамлаштириш ва барқарор ўсиш” шиори ташкилотнинг келгуси ривожланиш устуворликларини ифодалайди.

Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш фақат сиёсий келишувлар билан чекланмайди. Давлатлар ўртасида савдо, инвестиция, транспорт ва технологик алоқалар ривожланиши ҳам минтақавий барқарорликнинг муҳим омилидир. Шу маънода, Озарбайжон раислиги даврида транспорт боғлиқлиги ва рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон 2022 йилда Остонада ўтказилган саммитда Афғонистон бўйича юқори даражали халқаро музокаралар гуруҳини ташкил этиш, “Авлодлар мулоқоти” форматини йўлга қўйиш ва транспорт боғлиқлигини ривожлантириш ташаббусларини илгари сурди.

Давлатимиз раҳбарининг рақамлаштириш ва инновациялар соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш, озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳамда “Яшил Осиё” дастури доирасида мунтазам экспертлар маслаҳатлашувларини ўтказиш каби ташаббуслари ҳам катта қизиқиш уйғотди.

2023 йил октябрь ойида Самарқандда ОҲИЧК Ёшлар кенгаши йиғилиши доирасида “Авлодлар мулоқоти” илк бор ўтказилгани ушбу таклифларнинг амалий мазмун касб этаётганини кўрсатди.

Ўзбекистоннинг ОҲИЧК доирасидаги устувор манфаатлари, аввало, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, Афғонистон масаласи бўйича мулоқотни ривожлантириш, транспорт-транзит имкониятларини кенгайтириш, озиқ-овқат ва экологик хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳамда рақамли технологиялар соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан, Боку саммити Ўзбекистон учун миллий ва минтақавий манфаатларга мос ташаббусларни илгари суриш, ҳамкор давлатлар билан амалий келишувларга эришиш ҳамда ОҲИЧКнинг тизимли ривожланишида фаол иштирок этиш имкониятини яратади.

2027 йилда Тошкентда ОҲИЧКнинг инсон ҳуқуқлари ва сунъий интеллект масалаларига бағишланган юқори даражали форумини ўтказиш режаси мамлакатимиз инсон манфаатларига йўналтирилган ташаббусларни ривожлантираётганидан далолатдир.

Мазкур ташаббусни инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, сунъий интеллектдан хавфсиз ва мақсадли фойдаланиш ҳамда инклюзив рақамли тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий мулоқотни кучайтиришнинг самарали воситаси сифатида такомиллаштириш мумкин.

Боку саммитида Ўзбекистон учун энг мақбул ёндашув ОҲИЧКнинг ташкилий-ҳуқуқий трансформациясини қўллаб-қувватлаш ва унинг амалий натижасига устувор аҳамият қаратишдир. Бунинг учун транспорт, рақамлаштириш, инсон ҳуқуқлари, ёшлар сиёсати ва экологик хавфсизлик соҳаларидаги ҳамкорликни аниқ лойиҳалар, экспертлар мулоқоти ва мунтазам тажриба алмашиш механизмлари билан бойитиш муҳим.

ОҲИЧКнинг Бокуда бўлиб ўтадиган саммити Осиёда кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва ташкилотнинг келгуси тараққиёт йўналишларини белгилаш нуқтаи назаридан муҳим сиёсий воқеадир.

Саммитнинг натижадорлиги, аввало, ташкилотни трансформация қилиш бўйича аниқ келишувларга эришиш, унинг ҳуқуқий ва институционал асосларини мустаҳкамлаш ҳамда ҳамкорликни амалий лойиҳалар билан бойитишга боғлиқ.

Ўзбекистон учун ушбу саммит минтақавий хавфсизликни таъминлаш, транспорт-транзит имкониятларини кенгайтириш, рақамли ва экологик ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда инсон манфаатларига йўналтирилган ташаббусларни илгари суриш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

Энг муҳими, ОҲИЧКнинг келгуси ривожи давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлаш билан бирга уни аниқ амалий натижаларга эга бўлган самарали минтақавий ҳамкорлик механизмига айлантиришга хизмат қилиши лозим.

“Дунё” АА

ЯНГИ ТОШКЕНТ – ЙИРИК ИҚТИСОДИЙ МАРКАЗ, КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР МАЙДОНИ

Азалдан халқимиз бунёдкорлиги, саховати ва меҳнатсеварлиги билан танилган. Ота-боболаримиз обод масканлар барпо этишни нафақат ҳунар, балки авлодлар олдидаги бурч, юрт олдидаги масъулият деб билган.

Муносабат



Бугун Янги Тошкентда бошланган улкан бунёдкорлик ишлари ҳам ана шу миллий қадриятларимизнинг замонавий ифодасидир. Давлатимиз раҳбари 12 октябрь куни Янги Тошкентга ташриф буюриб, йирик лойиҳаларни амалга ошираётган инвестор ва тадбиркорлар билан учрашди.

Мулоқотда мамлакатимиз етакчиси “Капиталнинг, илғор ғоянинг ва ҳалол меҳнатнинг миллати йўқ!” деди. Ўзбекистон иқтисодиёти учун янги ғоя — “ЎЗ” фалсафасини илгари сургани мени ғоят ҳаяжонга солди.

“ЎЗ” — Ўзбекистон, Ўзгариш, Ўзлик ва Масъулият тушунчаларини бирлаштириб, тараққиётга янгича ёндашувни ифода этади. Зеро, ўзбекона қарашда ўзимизники деган сўз фақат ўзимиздан чиққан эмас, балки элга, юртга нафи теккан, меҳнат қилган инсонни англатади. Шундай экан, кимки юртимизга сармоя киритиб, замонавий технология олиб келса, одамларга иш ўрни очса, қайси мамлакат ёки шаҳардан келганидан қатъи назар, умумий тараққиётга ҳисса қўшади.

Мамлакатимиз етакчиси мулоқот аввалида Янги Тошкентда бунёд этилган иншоотларни ишга тушириш ва янги лойиҳалар қурилишига старт бериш маросимида иштирок этди.

Уч йил аввал қурилиши бошланган Янги Тошкент мамлакатимиз тарихидаги энг йирик шаҳарсозлик лойиҳасидир. Хавфсиз ва “яшил” шаҳар сифатида барпо этилаётган ҳудудда биринчи босқичнинг ўзида замонавий технологик ечимларга асосланган 50 миллиард долларлик лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Ўтган даврда бу ерда 2 миллиард долларлик иш бажарилди. Замонавий турар жойлар, университетлар, кутубхона ва амфитеатр қурилди.

Тантанали маросимда умумий қиймати 1 миллиард доллар бўлган еттита объект ишга туширилди. “Шарқ баҳори” турар жой мажмуасининг биринчи босқичи, йўл ва инфратузилма объектлари, “Янги Тошкент” 1-нимстанцияси, тригенерация станцияси, Савдо-саноат палатаси биноси, “Соҳил боғи” истироҳат боғи ҳамда 2000 ўринли умумтаълим мактаби шулар жумласидан.

Муҳими, уларнинг барчаси яхлит бўлиб, замонавий шаҳарсозликнинг юксак намунасини намоён этади. Масалан, тригенерация станцияси 100 минг хонадонни марказлашган тарзда иситиб, совитиш тизими билан таъминлайди. Туркиянинг “MIMSAN” компанияси иштирокида 73 миллион доллар инвестиция ҳисобига барпо этилган лойиҳа электр энергияси ҳам ишлаб чиқариш имконига эга. Хитойнинг “Haocheng Industry Group Limited” компанияси иштирокида қурилган нимстанция ва юқори кучланишли электр тармоқлари лойиҳасининг қиймати 95 миллион долларни ташкил этади.

Бу ерларни қарийб 60 йилдан буён биламан. Лекин охирги бор бу томонларга йўлим тушганига анча бўлганди. Тўғриси, ўтган куни бу ерга келиб ҳайратда қолдим. Ўша пайтларда бу жойлар пахта, буғдой далалари эди. Қанча-қанча мактаб ўқитувчилари, ўқувчилари, талабалар, маҳалла аҳли ана шу далаларда пахта теришга мажбур эди.

2023 йил март ойида давлатимиз раҳбари томонидан Янги Тошкентга тамал тоши қўйилди. Ўшанда янги шаҳар қурилиши учун 20 минг гектар ер ажратилиши, Чирчиқ ва Қорасув дарёлари бўйида кўп қаватли уйлар, мактаблар, боғлар барпо этилиши, Тошкентнинг “яшил” белбоғи мана шу ердан бошланиши айтилган эди. Айни мақсадда бу ерда қуриладиган объектларга “яшил бино” стандартлари қўлланаётир. Бу Янги Тошкентнинг ҳақиқий “яшил шаҳар”га айланишига хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг “Янги Тошкент — ўзимизники!” деган фикрига тўхталсак. Ҳақиқатан, янги шаҳар ўзимизники. Бунинг исботи сифатида бир гапни айтиб ўтишим керак. Бундан қарийб минг йил авval яшаб ўтган Абдулхолиқ Ғиждувоний бобомиз табиатда етти хил ранг бор дея қайд этади. Унга кўра, мусаввир ўша ранглардан фойдаланиб сурат чизади. “Яна бир ранг борки, агар ўша қўшилмаса, асар жозибали чиқмайди. Бу — меҳр-муҳаббат ранги”, дейди бобомиз.

Шу маънода, Янги Тошкентдаги муҳташам биноларни кўриб, аввало, қурувчилар, муҳандисларнинг меҳрини ҳис этдим. Том маънодаги маънавият, маданият, менталитетни кўрдим. Бугун йирик лойиҳаларнинг битишини юртдошларимиз интиқлик билан кутмоқда. Янги шаҳарга ўз ҳиссасини қўшмоқчи бўлган тадбиркорларга қатор қулайликлар, имтиёзлар тақдим этилади. Йил охиригача Янги Тошкентда 20 минг хонадонни фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда. Бу камида 70 минг киши учун янги яшаш муҳитини яратиш дегани.

Шунингдек, бу ерда ФИФА талабларига жавоб берадиган 55 минг ўринли стадион қурилмоқда. У келаси йил 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг асосий ареналаридан бири бўлади.

Президентимиз қайд этганидек, Янги Тошкент замонавий бизнес, таълим, тиббиёт, туризм ва хизмат кўрсатишни ўзига жалб этадиган мустақил иқтисодий марказга, бутун мамлакат ишбилармонлари учун янги имконият майдонига айланади.

Хушбоқ РАҲИМ,
шоир, “Дўстлик” ордени соҳиби

Хушхабар



7-10 октябрь кунлари Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказилган “FIRST Global Challenge-2026” халқаро мусобақасида Ўзбекистон терма жамоаси 3 та олтин медаль билан мутлақ чемпион бўлди. Ушбу халқаро робототехника мусобақасида иштирокчиларимиз нафақат зафар қучди, балки 16 та ўйиннинг барчасида ғалаба қозониб, 637 балл билан мусобақа рекордини ҳам янгилади.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

“FIRST GLOBAL CHALLENGE”: ўзбек ёшлари нафақат чемпион бўлди, балки мусобақа рекордини ҳам ўрнатди

Ёшларимизнинг 190 дан ортиқ мамлакатнинг ёш муҳандис ва ихтирочилари жам бўлган мусобақада бундай тарихий натижани қўлга киритиши янги Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътибори ва нуфузини яна бир карра оширди.

Кейинги йилларда ўзбек ёшлари халқаро майдонларда ҳар жабҳада — спорт, илм-фан, санъат ва маданият соҳаларида ҳам юқори ўринларни эгаллаб, эътирофга сазовор бўлмоқда. Яқиндагина Самарқандда бўлиб ўтган 46-жаҳон шахмат олимпиадасида шахматчиларимизнинг олтин авлоди чемпион бўлгани ҳам шундай ютуқлардан бири. Ахир Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби буюк саркарда, Беруний, Бухорий, Ибн Сино сингари илм-фан намояндаларининг авлодлари спорт мусобақалари, турли фан олимпиадаларида эътироф этилиши табиий. Аммо ўзбек ёшларининг замонавий технологиялар, робототехника муҳандислиги соҳасида ҳам илғор экани кишини икки карра хурсанд қилади.

Куни кеча Президентимизнинг фармонига биноан, терма жамоамиз мураббийси “Содиқ хизматлари учун” медали, унинг аъзолари бўлмиш иқтидорли ёшлар “Келажак бунёдкори” медали билан мукофотлангани ҳам бежиз эмас. Улар ўзларининг юксак интеллектуал салоҳияти, профессионал маҳорати ҳамда замонавий муҳандислик соҳасидаги чуқур билим ва малакаси туфайли шундай эҳтиромга лойиқ кўрилди.

Ҳар йили турли давлатларда ташкил этиладиган “FIRST Global Challenge” халқаро мусобақасида жамоалар роботларни лойиҳалаш, йиғиш ва дастурлаш орқали белгиланган муҳандислик вазифаларини бажаради. Мусобақадаги топшириқлар фақат робот лойиҳалаштириб, ясашдан иборат эмас. Бунда ёшларнинг фан, технология, муҳандислик ва математика соҳаларидаги билими синовдан ўтказилади, дунёдаги глобал муаммоларни ҳал этиш амалий машғулоти бажарилади.

Жорий йилги мусобақада иштирокчилар ўзлари яратган робототехника воситалари орқали ўрмон ёнғинларининг олдини олиш ва ёнғиндан сўнг унинг асоратларини бартараф этиш, қайта тиклаш бўйича амалий машғулотларни бажарди. Бир сўз билан айтганда, мусобақада ғолиб бўлиш ёшларимиз учун осон кечмади. Аммо замонавий билимларни мукаммал эгаллаган аҳил жамоа бўлиб ҳаракат қилингани туфайли вазифа аъло даражада уддаланди.


Бу ютуқ замирида кейинги йилларда юртимизда таълим тизими, айниқса, ёшларни замонавий билимлар, АТ технологияларига ўқитиш борасидаги қатор самарали ташаббус ва лойиҳаларнинг ўрни бор. Масалан, 2019 йилда илк бор ташкил этилган, сўнгра республикамиз миқёсида кенг тармоқларига эга бўлган АТ парклар фаолиятининг самараси катта. Ушбу тузилмалар стартап лойиҳалар яратиш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг компьютер технологиялари борасидаги билим-тафаккурини ошириш ҳамда АТ соҳани ривожлантириш ва рақамли иқтисодиётни қўллаб-қувватлашга, компаниялар учун қулай муҳит яратишга, соҳага инвестиция жалб этишга хизмат қилмоқда. “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида эса ёшларга замонавий билим ва кўникмалар берувчи ўқувлар ташкил этилди.

Кейинги ўн йилликдаги ислоҳотлар самараси бугун ўз меваларини бермоқда. Ақлан етук, жисмонан соғлом, замонавий билим ва кўникмаларга эга бугунги олтин авлодларимиз янги Ўзбекистонни барпо этишда пойдевор вазифасини ўтамоқда.

Юқоридаги каби халқаро мусобақаларда эришилган ғалабалар эса мамлакатимизнинг халқаро имижи юксалиши ва дунёнинг энг кучли мамлакатлари қаторида тилга олинишига замин ҳозирлайди.

Санжар ЭШМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бешинчи миллий дастур — суд мустақиллигини кучайтириш ва қонун устуворлигини таъминлашни умумий қадриятга айлантириш.



Буюк ўзбек йўли

ИНСОН ҚАДРИ, ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА АДОЛАТ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ УСТУНЛАРИ

Бешинчи миллий дастур шарҳи

Мирзо Улуғбек АБДУСАЛОМОВ,
Конституциявий суд раиси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

Бошланиши 1-бетда

Бу ёндашув суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мазмун-моҳиятини белгилайди. Зеро, ислоҳотлар натижаси нафақат қабул қилинган ҳужжатлар ёки институционал ўзгаришлар, балки инсоннинг бузилган ҳуқуқини ўз вақтида тиклай олиши, холис суд ҳимоясидан фойдаланиши ва давлат органлари фаолиятида қонун устуворлигини ҳис этиши билан ҳам баҳоланади.

Айнан шу жиҳатдан қараганда, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар янги Ўзбекистон тараққиёт моделининг муҳим ва ажралмас қисми сифатида намоён бўлади. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги, шубҳасиз, ҳуқуқий давлатнинг таянч шартларидан. Янги Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари “Инсон қадри учун” тамойилини ҳуқуқий кафолат ва амалий механизмлар билан таъминлашга қаратилди. Конституциявий суднинг вазифаси эса Конституция устуворлигини таъминлаш, конституциявий қонунийликни мустаҳкамлаш ва ўз ваколатлари доирасида инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборат. Шу боис, мамлакатимизда судни инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли кафолати бўлган мустақил ҳокимият тармоғи сифатида мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Суд-ҳуқуқ тизимининг жадал суръати

Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини мустақил ҳокимият тармоғи сифатида шакллантириш, одил судловнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва конституциявий назорат институтини ривожлантириш ишлари босқичма-босқич бажарилди. Айни вақтда тараққиётнинг ҳар бир босқичи суд мустақиллиги, одил судловга эришиш имконияти ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини янада такомиллаштиришни талаб қилди. Хусусан, фуқароларнинг Конституциявий суд орқали ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятларини кенгайтириш зарурати сақланиб келди.

2017 йилдан бошлаб суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар янги суръат ва мазмун касб этди. Уларнинг марказида суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, судга мурожаат қилиш имкониятларини кенгайтириш, судьялар корпусини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш ва инсон ҳуқуқларининг процессуал кафолатларини кучайтириш вазифалари турди.

Ушбу даврда суд тизимининг ташкилий асослари қайта кўриб чиқилди. Судьялар олий кенгаши ташкил этилди, маъмурий судлар фаолияти йўлга қўйилди, Олий суд ва Олий хўжалик суди бирлаштирилди. Суд ҳокимиятини бошқа давлат органларидан мустақил равишда амалга оширишнинг институционал кафолатлари изчил кучайтирилди.

Конституциявий одил судлов соҳасида ҳам муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги конституциявий қонун конституциявий суд ишларини юритишнинг процессуал асосларини, Конституциявий суд судьяларининг мустақиллиги ва дахлсизлиги кафолатларини янада аниқ белгилаб берди.

Маъмурий судларнинг ташкил этилиши фуқаролар ва тадбиркорларнинг давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар қарорлари ва ҳаракатлари устидан суд назоратини кучайтиришга хизмат қилди. Бу, ўз навбатида, давлат органлари фаолиятида қонунийлик ва масъулият мезонларининг аҳамиятини оширди.

Жиноят процессида суд назоратини кенгайтириш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи процессуал чораларни қўллашда суд кафолатларини кучайтириш ҳам ислоҳотларнинг муҳим йўналиши бўлди. Бу чоралар инсон эркинлиги ва шахсий дахлсизлигига оид конституциявий кафолатларни амалий мазмун билан бойитди.

Суд амалиётида оқлов ҳукмларининг пайдо бўлиши ва суд назорати механизмларининг кенгайиши ҳам одил судловнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган моҳиятини кучайтирди. Энг муҳими, суд фақат низони ҳал қилувчи орган эмас, балки бузилган ҳуқуқни тиклашнинг мустақил ҳуқуқий механизми сифатида намоён бўлмоқда.

“Инсон қадри учун” ғояси ва масъулият мезонлари

Давлатимиз раҳбари мустақилликнинг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимда ислоҳотларнинг дастлабки кунларидан халқнинг қалбига қулоқ солиш ва аҳоли муаммоларини ҳал этиш устувор мақсад бўлганини, “Инсон қадри учун” ғояси давлат сиёсатининг марказига олиб чиқилганини алоҳида таъкидлади.

Бу эзгу ғоя, айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасида яққол намоён бўлади. Чунки инсон қадрининг энг муҳим кафолатларидан бири унинг ҳуқуқи бузилганида мустақил ва холис судга мурожаат қилиш имкониятидир.

Инсон қадри тушунчаси, айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасида жуда аниқ мазмун касб этади: шахс ўз ҳуқуқи бузилганда самарали ҳимоя воситасига эга бўлиши, унинг иши мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши, қабул қилинган қарор эса қонуний, асосланган ва ижро этиладиган бўлиши керак. Шу жиҳатдан инсон қадри судья фаолиятининг ҳам ҳуқуқий, ҳам касбий мезонидир.

2023 йил 30 апрелда умумхалқ референдумида қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституция инсон ҳуқуқларини таъминлашга оид конституциявий кафолатларни сифат жиҳатидан кучайтирди. Унда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари давлат ва жамият ҳаётининг марказий қадрияти сифатида янада аниқ ифода этилди.

Конституциямизнинг 1-моддасида Ўзбекистон — суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат экани мустаҳкамлаб қўйилди. Ҳуқуқий давлат эса, аввало, Конституция ва қонун устуворлиги, одил судлов демакдир.

Янги таҳрирдаги Конституция инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларга муҳим ҳуқуқий қоида киритди: инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади. Бу принцип ҳуқуқни қўллашда инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Мазкур жараённинг энг муҳим хусусияти шундаки, тараққиёт марказига давлат эмас, балки инсон манфаатлари қўйилди. Бу эса илгари амал қилган “давлат — жамият — инсон” тамойили ўрнига “инсон — жамият — давлат” деган мутлақо янги конституциявий формуланинг ҳаётга татбиқ этилишида ўз ифодасини топди. Натижада давлатнинг инсон олдидаги мажбуриятлари кўлами кенгайди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг янги конституциявий механизмлари мустаҳкамланди.

Ушбу ўзгаришларнинг сиёсий-ҳуқуқий аҳамияти шундаки, энди давлат органининг қарори фуқаро учун якуний хулоса бўлмайди. Давлат органининг ўзи ҳам судда қонун мезонлари асосида баҳоланадиган ҳуқуқий муносабатлар субъектига айланди. Бу шунчаки институционал ўзгариш эмас, балки ҳуқуқий давлатнинг моҳиятини белгилайдиган фундаментал сиёсий масаладир.



Бош қонунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади сифатида белгилаб қўйилгани, ҳуқуқ ва эркинликларни суд орқали ҳимоя қилиш кафолатлари кучайтирилгани, мустақил ва холис судда иш кўрилиши ҳуқуқининг конституциявий даражада мустаҳкамлангани суд ҳокимиятининг жамиятдаги ролини янада оширди.

Конституциянинг мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эгалиги, тўғридан тўғри амал қилиши ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этиши судлар ва барча давлат органлари учун принципиал аҳамиятга эга. Бу Конституция нормаларини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда бевосита ҳуқуқий мезон сифатида қўллаш имкониятини мустаҳкамлайди. Хусусан, 133-моддаси фуқаролар ва юридик шахсларнинг конституциявий шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқини конституциявий даражада мустаҳкамлади.

Унга кўра, фуқаролар ва юридик шахслар, агар суд орқали ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, судда кўриб чиқилиши тугалланган муайян ишда суд томонидан ўзига нисбатан қўлланган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисида Конституциявий судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли. Бу институт конституциявий назоратни инсоннинг аниқ ҳуқуқий манфаати билан бевосита боғлайди.

Конституциявий шикоят Конституциявий суднинг умумий юрисдикция судлари қарорларини қайта кўриб чиқишини англатмайди. Конституциявий суд ўз ваколати доирасида ишда қўлланган қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текширади.

Шу жиҳатдан конституциявий шикоят бир вақтнинг ўзида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонунчилик сифатини оширишга хизмат қиладиган муҳим конституциявий-ҳуқуқий механизмдир. Конституциявий суд қарорларида шаклланадиган ҳуқуқий позициялар қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида Конституциянинг мазмун-моҳиятини тўғри рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Муҳим институционал қадам

Суд мустақиллиги жамиятнинг одил судловга ишончини белгилайдиган асосий конституциявий кафолатлардан. Судья қарор қабул қилишда фақат Конституция ва қонунга таяниши, ҳар қандай ташқи таъсирдан холи бўлиши шарт.

Давлатимиз раҳбари суд-ҳуқуқ ислоҳотларига бағишланган мулоқотларда судьялар фаолиятига аралашувга йўл қўймаслик, одил судловнинг мустақиллигини амалда таъминлаш масаласига доимий эътибор қаратиб келмоқда. Бу талаб ҳуқуқий давлатнинг мазмунидан келиб чиқади.

Суд мустақиллиги ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда, судьянинг мустақиллиги назарда тутилади. Судьянинг мустақиллиги унинг масъулиятини янада оширади. Мустақиллик ва масъулият эса бир-бирини тўлдиради.

Шу мақсадда судьялар мустақиллигининг ҳуқуқий ва ташкилий кафолатлари кучайтирилди. Суд фаолиятига қонунга хилоф аралашув учун жавобгарлик белгиланди. Судьяларни танлаш ва тайинлаш механизмлари такомиллаштирилди.

Судлар фаолиятига рақамли технологияларни жорий этиш ҳам одил судловнинг очиқлиги, тезкорлиги ва қулайлигини оширишга хизмат қилмоқда. Электрон мурожаат, ишларни автоматик тақсимлаш, масофавий иштирок ва суд ахборот тизимларини ривожлантириш инсон омилини камайтириш ва суд хизматларидан фойдаланишни енгиллаштириш имконини бермоқда.

Конституциявий суд фаолиятини рақамлаштириш ҳам конституциявий одил судловдан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришнинг муҳим йўналишидир. Бу жараёнда мурожаатларни электрон қабул қилиш, ахборотдан фойдаланиш имкониятини ошириш ва суд фаолиятининг очиқлигини таъминлашга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Президентимизнинг 2025 йил 18 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятини янада такомиллаштириш ва замонавий рақамли технологияларни жорий этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қонун устуворлигини мутлақ қадрият сифатида қарор топтириш, инсон қадрини давлат сиёсатининг марказига қўйиш ва конституциявий адолатни амалий мазмун билан бойитишга қаратилган муҳим институционал қадам бўлди.

Фармоннинг туб моҳияти шундаки, у конституциявий одил судловни фуқароларга янада яқинлаштириб, мурожаат қилиш тартибининг қулай механизмларини яратди. Конституциявий суд қарорларининг инсон тақдирига бевосита таъсирини кучайтирди.

Шу маънода, ушбу ҳужжат ижроси доирасида Конституциявий суд ва конституциявий суд ишларини юритишни ягона, замонавий ва халқчил ёндашув асосида тартибга соладиган янги конституциявий қонун лойиҳаси тайёрланди. Бугун мазкур қонун лойиҳалари Олий Мажлис палаталари муҳокамасида.

Одил судловнинг самарадорлиги тарафларнинг процессуал ҳуқуқлари реал таъминланиши билан ҳам боғлиқ. Адвокатура институтини мустаҳкамлаш, малакали юридик ёрдамдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва тортишув принципини таъминлаш инсоннинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини рўёбга чиқаришнинг муҳим шартларидир.

“Одил судлов – 2030” стратегияси ва конституциявий судлов

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг янги босқичини белгилаган муҳим ҳужжатлардан бири Президентимизнинг 2026 йил 14 августдаги фармони билан тасдиқланган “Одил судлов — 2030”: Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилувчи халқчил ва адолатли суд тизимини барпо этиш стратегиясидир.

Стратегия суд тизимини 2030 йилга қадар ривожлантиришнинг олтита устувор йўналишини қамраб олди. Унда 57 вазифа, 2026-2028 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар дастурида 160 та аниқ чора-тадбир ҳамда 2030 йилга қадар эришилиши лозим бўлган 33 та мақсад белгиланган.

Мазкур ҳужжат аввалги йиллардаги суд-ҳуқуқ ислоҳотларини изчил давом эттириб, уларни фуқаро учун одил судловнинг амалдаги натижаси билан баҳолашга йўналтирди.

Стратегиянинг марказий ғояси инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қиладиган, халқчил, адолатли, мустақил, очиқ ва самарали суд тизимини барпо этишдир. Унинг олтита устуни — “халқчил суд”, “адолат қўрғони”, “кафолатланган адолат”, “адолат посбонлари”, “рақамли одил судлов” ва “халқаро эътироф” — суд тизимини ривожлантиришнинг ўзаро боғлиқ йўналишларини белгилаб беради.

Ҳужжатнинг муҳим устунларидан бири — “халқчил суд” ғоясидир. Унинг моҳияти фуқаронинг судга ортиқча оворагарчиликсиз мурожаат қилиши, ахборот ва рақамли хизматлардан қулай фойдаланиши, суд жараёнининг очиқ ва тушунарли бўлишини таъминлашдадир.

Ҳаракатлар дастурида судлар фаолиятининг очиқлигини ошириш, жамоатчилик билан мулоқотни такомиллаштириш, рақамли хизматларни кенгайтириш ва судга мурожаат қилишда бюрократик тўсиқларни қисқартиришга қаратилган чоралар назарда тутилган.

Бу ерда принципиал масала шундаки, очиқлик одил судловни таъминлаш ва суд мустақиллигининг муҳим шартидир. Қонун доирасидаги очиқлик ва қарорларнинг асослантирилгани жамоатчилик ишончини мустаҳкамлайди.

Стратегияга мувофиқ, барча судда ахборот олиш, мурожаат топшириш ва рақамли хизматлардан фойдаланиш “ягона дарча” тамойили асосида таъминланиши назарда тутилган. Конституциявий одил судлов соҳасида ҳам фуқароларнинг мурожаат қилиш имкониятини қулайлаштириш ва рақамли ечимларни кенгайтириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

“Адолат қўрғони” йўналиши суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва холислигини янада мустаҳкамлашга қаратилган. Конституциявий суд учун бу, энг аввало, Конституция устуворлигини таъминлаш ва конституциявий назоратни ўз ваколатлари доирасида самарали амалга оширишни англатади.

“Кафолатланган адолат” инсоннинг бузилган ҳуқуқини ўз вақтида ва самарали тиклашга қаратилган процессуал механизмларни такомиллаштиришни назарда тутади. Суд назоратини кучайтириш, “асосли гумон” стандартини жорий этиш каби чоралар шахс ҳуқуқларининг процессуал кафолатларини кучайтиришга хизмат қилади.

“Адолат посбонлари” йўналишида юксак касбий ва маънавий фазилатларга эга судьялар корпусини шакллантириш, уларнинг билими ва малакасини мунтазам ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган.

“Рақамли одил судлов” суд иш юритувини рақамлаштириш ва замонавий технологиялар орқали фуқаролар учун қулай ҳамда тезкор суд муҳокамаси имкониятларини кенгайтиришни назарда тутади. Конституциявий судда ҳам рақамли ечимлар, аввало, конституциявий одил судловга мурожаат қилиш имкониятини кенгайтириш ва суд фаолияти ҳақидаги ахборотнинг очиқлигини оширишга хизмат қилади.

“Халқаро эътироф” йўналиши инсон ҳуқуқлари соҳасидаги илғор халқаро стандартларни миллий суд амалиётига имплементация қилиш ва судьялар ҳамжамиятининг халқаро ҳамкорлигини фаоллаштиришни назарда тутади. Конституциявий судлар ўртасидаги профессионал мулоқот ҳам ҳуқуқий тажриба алмашиш ва конституциявий одил судловни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Пировард мақсад фуқарода судга мурожаат қилганда унинг ҳуқуқи қонун асосида холис ва ўз вақтида ҳимоя қилинишига барқарор ишончни шакллантиришдир.

Барқарорлик кафолати

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимда “Келгуси ўн йиллик биз учун миллий юксалиш даври бўлади”, дея таъкидлаб, инсон қадрини янада юксалтиришга қаратилган еттита миллий дастур амалга оширилишини маълум қилди. Уларнинг бешинчиси суд мустақиллигини таъминлаш ва қонун устуворлигини умумий қадриятга айлантиришга қаратилган.

Бу вазифа суд мустақиллиги ва қонун устуворлиги фақат суд тизимининг ички масаласи эмаслигини кўрсатади. Қонун устуворлиги ҳуқуқий аниқликни, ҳуқуқий аниқлик эса фуқаролар ва тадбиркорларнинг давлат институтларига ишончини таъминлайди. Бундай ишонч барқарор тараққиётнинг муҳим шартидир.

“Одил судлов — 2030” стратегиясида белгиланган вазифалар барча судлар қатори Конституциявий суд зиммасига ҳам ўз ваколатлари доирасида конституциявий қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларининг конституциявий кафолатларини таъминлаш ва конституциявий одил судлов самарадорлигини ошириш бўйича катта масъулият юклайди.

Конституциявий суд ўз фаолиятида Конституция устуворлигини таъминлаш, ваколатига кирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш, конституциявий шикоятларни қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқиш ва ўз ҳуқуқий позицияси орқали конституциявий қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўттиз беш йиллик мустақил тараққиёт, айниқса, сўнгги ўн йилда Президентимиз раҳбарлигидаги шиддатли ва кенг кўламли ислоҳотлар янги Ўзбекистонни янги сифат босқичига олиб чиқди. Инсон қадрини улуғлаш, очиқ ва прагматик ташқи сиёсат, барча соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимидаги туб янгиланишлар мамлакатимиз тараққиётининг янги қиёфасини белгилади.

Бугун бу йўлнинг мустаҳкам ҳуқуқий таянчи — Конституция ва қонун устуворлиги, мустақил суд ва таъсирчан конституциявий назорат. Зеро, янги Ўзбекистонда ислоҳотларнинг бош мезони ҳам, олий мақсади ҳам инсон қадри ва адолатдир.

Охирги 10 йиллик шиддатли тараққиёт ва изчил ислоҳотлар тажрибаси шуни кўрсатадики, адолат, Конституция ва қонун устуворлиги жамиятда ишонч ҳамда барқарорликнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосини барпо этади. Янги Ўзбекистон тараққиётининг галдаги босқичида ҳам мустақил ва холис суд, самарали суд ҳимояси ҳамда таъсирчан конституциявий назорат инсон қадрини таъминлаш ва ҳуқуқий давлатни ривожлантиришнинг муҳим кафолатлари бўлиб қолади.

Ислоҳотнинг асосий мақсади инсоннинг меҳнат ҳиссаси пенсиясида тушунарли акс этиши, кам даромадли фуқаро ҳимоясиз қолмаслиги ва тизим ўз мажбуриятларини узоқ йиллар бажара олишидир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 14 октябрь, 212-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ПЕНСИЯ ИСЛОҲОТЛАРИ:

Бугуннинг гапи

ФУҚАРОЛАР ЎЗ КЕЛАЖАГИДАН ХАВОТИР ОЛМАСЛИГИ ЛОЗИМ

Бугун ишлаётган инсон эртага қанча пенсия олишини биладими? Расмий маоши ошса, яна бир йил меҳнат қилса ёки шахсий ҳисобварағига маблағ қўшса, келажакдаги даромади қандай ўзгаришини тушуна оладими? Пенсия жамғармаси раҳбари сифатида мен бу саволларни тизимга ишончнинг асоси деб биламан. Чунки инсон ўзи тушунмаган қоидага таяниб келажагини режалаштира олмайди.



Муродбек ОТАЖОНОВ,
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи директори

Аввало, бугун пенсия олаётган фуқароларга аниқ айтишим керак: муҳокама қилинаётган таклифлар тайинланган пенсияларни камайтиришни ёки ҳозирги пенсионерларга янги ёш талабларини қўллашни назарда тутмайди. Аввал орттирилган ҳуқуқларни сақлаш ислоҳотнинг асосий шартидир. Янги қоидалар, биринчи навбатда, ишлаётган инсоннинг келгуси пенсия ҳуқуқлари қандай шаклланишига тааллуқли.

Ислоҳотнинг асосий мақсади инсоннинг меҳнат ҳиссаси пенсиясида тушунарли акс этиши, кам даромадли фуқаро ҳимоясиз қолмаслиги ва тизим ўз мажбуриятларини узоқ йиллар бажара олишидир. Ислоҳот натижасини фақат давлат харажатлари қанча қисқариши билан баҳолаш тўғри бўлмайди. Ҳар бир таклифни кўриб чиқишда молиявий ҳисоб билан бирга фуқаронинг ҳаётий шароитини ҳам эътиборга олишимиз керак.

Амалдаги давлат пенсия тизимимиз авлодлар бирдамлигига асосланади. Бугун ишлаётганлар учун тўланаётган ижтимоий солиқ асосан ҳозирги пенсионерларга йўналтирилади. Етишмаган маблағ давлат бюджетидан қопланади. Демак, ходим учун тўланган ижтимоий солиқнинг ҳаммаси унинг номига пул сифатида жамланмайди. У белгиланган қоидалар асосида келгусида пенсия олиш ҳуқуқини шакллантиради.

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, ёшга доир пенсиянинг умумий шартлари эркаклар учун 60 ёш ва 25 йил стаж, аёллар учун 55 ёш ва 20 йил стаждир. Қонунчиликда алоҳида имтиёзлар ҳам мавжуд. Тўлиқ стажга эга шахс пенсиясининг тайянч қисми ҳисобга олинадиган ўртача иш ҳақининг 55 фоизидан келиб чиқади. Талабдан ортиқ ҳар бир тўлиқ йил учун шу иш ҳақининг яна бир фоизи қўшилади. Стаж камроқ, аммо камида етти йил бўлса, пенсия мавжуд стажга мутаносиб ҳисобланади. Бунда белгиланган энг кам кафолатлар ва устамалар ҳам инобатга олинади.

Иш ҳақи охирги ўн йиллик меҳнат фаолиятидаги энг юқори натижа берадиган кетма-кет беш йилдан олинади. Ҳисобга қабул қилинадиган маош пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн икки баравари билан чекланган. Стаж пенсияга таъсир қилади. Аммо бутун меҳнат даврида тўланган маблағ билан кейинги пенсия ўртасидаги боғлиқлик тўлиқ эмас.

Масалан, бир инсон кўп йил юқори расмий маош олиб, кейин камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтиши мумкин. Бошқаси меҳнат фаолиятининг фақат охирида юқори маош олади. Танланган қисқа давр уларнинг бутун меҳнат ҳаёти давомидаги ҳиссасини бир хил аниқликда кўрсатмайди. Иш ҳақининг белгиланган чегарадан ортиқ қисми ҳам давлат пенсиясини оширмайди. Шундай шароитда фуқаронинг “кўпроқ расмий даромад кўрсатиш келажагимга қанчалик таъсир қилади?” деган саволига аниқ жавоб бера олишимиз керак.

Рақамлар бизга нимани кўрсатмоқда?

Тизимдаги ҳолатни бир неча рақам орқали кўриш мумкин. Мамлакатимиздаги пенсионерлар сони 4,3 миллион, иқтисодий фаол аҳоли 15,7 миллион бўлиб, шундан 8,6 миллион нафари расмий банд. Бир пенсионерга тахминан икки нафар расмий ишловчи тўғри келади. Бу рақамлар меҳнат бозоридаги катта салоҳият ҳали пенсия ҳуқуқларига тўлиқ айланмаётганини кўрсатади.





Тўлиқ бўлмаган стаж ҳам шу ҳолатнинг натижасидир. Таҳлилларга кўра, 2025 йилда янги тайинланган пенсиялар орасида тўлиқ стажга эга бўлмаганлар улуши 61 фоизга етган. Буни барча пенсионерларга нисбатан қўллаш тўғри эмас. Лекин ушбу кўрсаткич янги авлод қандай меҳнат тарихи билан пенсияга келаётганини англатади. Ўзини ўзи банд қилганлар орасида 2025 йилда ижтимоий солиқ тўлаганлар 860 минг нафар бўлган. Демак, рўйхатдан ўтишнинг ўзи мунтазам суғурта иштирокини англатмайди.

Демографик ўзгаришлар ҳам биздан узоқ муддатни кўзлаб ишлашни талаб қилмоқда. Маълумотларга кўра, туғилишда кутилаётган ўртача умр давомийлиги 1993 йилдаги 67,9 ёшдан 2025 йилда 75,4 ёшга етган. Инсонларнинг узоқроқ яшаши — ижобий ўзгариш. Пенсия мажбуриятларини режалаштиришда эса пенсия ёшига етган инсоннинг кутилаётган қолган умри, соғлиғи ва меҳнат имкониятини ўрганишимиз зарур.

Молиявий ҳисоблар ҳам бугундан тайёргарлик кўриш зарурлигини кўрсатади. Жамғарманинг 2025 йил учун бюджет трансферти 20,2 триллион сўмни, 2026 йилда эса 22,5 триллион сўмни ташкил этиши кутилмоқда. Ушбу рақамлар оддий юқори расмий маошдан тўланган маблағнинг пенсияда кўпроқ акс этишига ёрдам беради. 2027 йилдан ушбу чегарани пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 12 бараваридан 13 бараварига, яъни 6 миллион сўмдан 6,6 миллион сўмга ошириш назарда тутилган.

Шахсий жамғармаларни ривожлантириш кўзда тутилган. Кам ва ўрта даромадли иштирокчи ихтиёрий маблағ киритса, давлат ҳам қўшимча бадал қўшиши таклиф этилмоқда. Бунда ёрдамни даромадга қараб 50 фоизгача табақалаштириш бюджет маблағини жамғариш имконияти чекланган фуқароларга кўпроқ йўналтиришга хизмат қилади.

Яна бир таклиф — белгиланган чегарадан юқори маош қисми учун тўланган ижтимоий солиқнинг бир улушини ходимнинг шахсий жамғармасига ўтказиш. Хусусан, 7,6 миллион сўмдан юқори даромад қисмининг 1 фоизини тўланган ижтимоий солиқ ҳисобидан шахсий пенсия ҳисобварағига йўналтириб, мазкур улушни 2040 йилга келиб 3 фоизга етказиш таклиф этилмоқда.

Бола парвариши ва қонунчиликда тан олинадиган бошқа бадалсиз даврлар учун пенсия ҳуқуқларини бюджетдан мақсадли молиялаштириш таклифи ҳам шу мантиққа асосланади. Бундан ташқари, ижтимоий солиқ имтиёзларини қайта кўриб чиқиш таклиф этилмоқда.

Шахсий жамғарма келажакда давлат пенсиясига қўшимча даромад бериши мумкин. Хусусий ва корпоратив пенсия дастурлари иш берувчининг иштирокини кенгайтиради. Бунинг учун активларни сақлаш, инвестиция қарорларини қабул қилиш ва мустақил назорат вазифалари аниқ ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Янги модель афзаллиги

Қўллаб-қувватлайдиган асосий тамойил оддий: кўпроқ ва узоқроқ бадал тўлаган фуқаронинг пенсияси ҳам юқорироқ бўлиши керак. Расмий стаж, расмий маош ва бадал тўлаш давомийлиги пенсия ҳисобида тушунарли акс этиши зарур. Айни пайтда кам маош олган ёки оила аъзосини парваришлаган инсон кексаликда ҳимоясиз қолмаслиги керак. Меҳнат ҳиссасини баҳолаш ва ижтимоий кафолат бир-бирини тўлдириши лозим.

Таклиф қилинаётган йўналишлардан бири — пенсия ҳисобидаги иш ҳақи даврини беш йилдан босқичма-босқич йигирма йилга кенгайтириш. Бу узоқ йиллик ҳиссани тўлароқ кўрсатишга хизмат қилади. Бунда ҳисобга олинаётган меҳнат даврининг иш ҳақи энг паст бўлган 10 фоизли қисмини ҳисобдан чиқариш таклиф этилмоқда.

Ҳисобга олинадиган иш ҳақи чегарасини ошириш ҳам таклиф қилинмоқда. Бу солиштириш билан ҳам етарли бўлмайди. Иш ҳақи, бандлик, нархлар ва демография ўзгарса, натижа ҳам ўзгаради. Лекин рақамлар олдимизга аниқ вазифа қўяди: келгуси мажбуриятларни молиялаштириш манбаларини олдиндан мустаҳкамлашимиз керак.

Очиқ муҳокама талаб қиладиган қарорлар

Энг сезгир масала — пенсия ёши. Пенсионерлар сони ва тўлов даври ўзгараётгани учун бу масала кун тартибига чиқмоқда. Таклифларда 2028 йилдан 12 йил давомида босқичма-босқич ҳар йили уч ойдан ошириб бориш орқали 2039 йилга келиб эркаклар учун 63, аёллар учун 58 ёшга етиш. Бу ҳали муҳокамадаги таклиф эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Уни амалдаги қоида деб тушуниш керак эмас. Ихтиёрий кечроқ пенсияга чиқиш рағбати ҳам кўзда тутилган.

Бунда пенсия ёши ўзгариши даврида 55/60 ёшга тўлган фуқароларга пенсия олди ёшини важ қилган ҳолда ишдан бўшатиш ёки ишга қабул қилишдан бош тортишга йўл қўйилмаслик кафолатланмоқда ҳамда уларга ишсиз деб эътироф этилган фуқароларга 2 йил аввал муддатдан олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқи, ер ости ишларида, меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда меҳнат тўлиқ иш куни давомида банд бўлган эркакларга муддатдан аввал имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқи сақлаб қолинмоқда. Шунингдек, эркаклар 60 ёш ва аёллар 55 ёшга тўлганда жамғариб бориладиган пенсия маблағларини олиш ҳуқуқи берилади.

Минимал стажни етти йилдан ўн беш йилга босқичма-босқич ошириш таклифи узоқроқ иштирокни рағбатлантириш мақсадида киритилган.

Ўзини ўзи банд қилганлар учун ижтимоий солиқни амалдаги миқдор сақланган ҳолда мажбурий қилиб белгилаш таклиф этилмоқда (йилига 1 базавий ҳисоблаш миқдорида — 440 минг сўм). Бунда ушбу миқдорни бўлиб тўлаш имконияти ҳам тақдим этилмоқда. Бундан ташқари, ўзини ўзи банд қилган фуқароларга қўшимча равишда ҳомиладорлик ва туғиш ҳамда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлови кафолатланади.

Рақамлаштиришнинг энг муҳим натижасини мен фуқаронинг келажакдаги ўз пенсияси ҳақида тўлиқ маълумот олишида кўраман. У телефонида расмий стажи, ҳисобланган иш ҳақи, тўланган бадаллари, шаклланган пенсия ҳуқуқлари, шахсий жамғармаси, инвестиция даромади ва кутилаётган пенсиясини биргаликда кўра олиши керак. Давлат пенсияси бўйича ҳуқуқ билан инвестиция қилинган шахсий маблағ эса алоҳида тушунтирилиши лозим. 2027 йилдан Пенсия жамғармасининг барча 25 турдаги хизматларини электрон ва проактив шаклга ўтказиш, сунъий интеллект ва “Менинг пенсиям” мобил иловасидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Илова рақам кўрсатиш билан чекланмайди. У қайси давр маълумоти етишмаётганини билдириши, хатони тузатиш йўлини кўрсатиши ва расмий меҳнатни давом эттириш натижасини тушунтириши керак.

Пенсия ислоҳоти — авлодлар ўртасидаги келишув. Бугун ишлаётган инсон расмий меҳнати ва бадаллари ўзининг пенсия ҳуқуқларини шакллантираётганини билиши керак. Давлат эса етарли даромадни мустақил таъминлай олмайдиганларни ҳимоя қилиш масъулиятини сақлаши шарт. Мен учун адолатли тизимнинг маъноси будир: инсон меҳнатининг қадри кексаликда ҳам йўқолмасин, унинг ҳимояси эса келгуси авлодга бажариб бўлмайдиган ваъда бўлиб қолмасин.

Орамиздаги одамлар

ЧЎЛНИ БЎСТОНГА АЙЛАНТИРГАН АЁЛ



— Узр, кетсам бўладими? Бу йиғилишга адашиб келиб қолдим шекилли...
— Ҳозир, опажон, икки дақиқа, — дея мажлисни олиб бораётган киши “ўтиринг” дегандай қўли билан ишора қилди.
Орқа қатордан кўриниш берган аёлнинг гапи ҳаммани сергак торттирди. Бунгача хотин-қизлар бир-бирига навбат бермай, ўз дардини айтиш билан овора эди. Масъулларнинг таклифи билан мен ҳам бир четда ўтирганча, ушбу йиғинни кузатиб турардим. Айтишларича, бу жойга бир маҳалланинг йигирмага яқин ишсиз хотин-қизи таклиф этилган. Мақсад — улар билан суҳбатлашиб, имкон даражасида бандлигини таъминлашга кўмаклашиш. Шу сабаб бўлса керак, йиғилганларнинг аксарияти кредит, яна бири тикув машинаси, бошқаси ёрдам пули сўрарди.

Йиғилиш якунига яқинлашгач, масъуллардан бири: “Энди беш дақиқагина вақт ажратамиз. Тожихол аяни таклиф қилганмиз. У сизлар билан ўз тажрибасини ўртоқлашади”, дея кетишга шошилаётганларни ўтиргизди.

Узр сўраб, йиғин бошидаёқ кетмоқчи бўлган онахон ўрнидан турди. Бир оз олдинга чиқиб гап бошлади. Овозидан шижоатли экани сезилиб турарди.

— Рости, бундай мажлис эканини билганимда келмасдим, — деди у. — Қарасам, бу ерда ўтирганларнинг барчаси тўрт мучаси соғ хотин-қизлар. Аммо бир бечорахол, қўлидан иш келмайдиган одам каби кўп нарса сўраётганини кўриб ачиндим. Шундай замонда, меҳнат қилсанг, баракали хирмон бўладиган паллада ҳам, берсанг ейман деб ўтириш уят. Сингилжонлар, ҳамманинг томорқаси бор. У ерда имконият ҳам бор, маблағ ҳам. Қолаверса, битта қорамол олинг. Яхшилаб боқиб сотсангиз, иккита бўлади. Кейин тўртта. Учтўрт йилда қўрангиз молга тўлади. Бировга муҳтож бўлмайсиз...

Дадил гапираётган аянинг ҳар бир гапи таъсирли эди. Барча жим тинглади. Кимга қандай таъсир қилди, билмадим. Аммо мен вақт топиб, шу онахон билан суҳбатлашишни мақсад қилдим. Яқинда Тожихол опани йўқлаб бордим. Чироқчининг Чоршанба маҳалласида яшар экан. Уни топишга қийналмадим. Кимдан сўрасам: “Бир оз юрсангиз тепаликка кўтарилишда — катта йўлнинг четида катта боғ чиқади. Шу Тожихол аянинг боғи. Бу атрофда уникидан бошқа катта боғ йўқ”, дейди.

Айтилган боққа яқинлашганимда қўлида ўроқ билан ўт ўраётган Тожихол аяни учратдим. Ҳаракатлари анча чаққон. Ишлаб чарчамаслиги юз-кўзидан сезилиб турган опа айни пайтда 75 ёшда. Лекин бир қарашда бу ёшда эканига ишонмайсиз.

— Ёшим саксонни қоралаб бораётганига кўпчилик ишонмайди, — дейди Тожихол Бекмуродова. — Бунинг ҳаммаси меҳнатнинг шарофати билан. Эҳ-ҳе, бу бош нималарни кўрмади дейсиз? Турмуш ўртоғим вафот этганида энди қирқ ёшдан ошгандим. Етти бола билан қолиб кетдим. Ёлғиз бошим билан ҳам рўзғор, ҳам болаларнинг кийим-кечагини қилиш керак. Бир муддат йўлимни тополмай қолдим. Ҳаётнинг кутилмаган зарбаси оғир бўларкан. Баъзилар энди Тожихол ночор бўлиб қолади деди. Ўзимнинг ҳам бошим қотган. Нима қилишни билмасдим. Кетган киши қайтмайди. Тириклар яшаши керак. Кўз ёши қилиб ўтирган билан кун ўтармиди? Ўзимда куч топдим. Қўлимга кетмон олиб, бор аламимни меҳнатдан олдим. Эрим раҳматли тириклигида водий томонга бориб, бир танишидан иссиқхона қилишни ўрганиб келганди. Ҳовлимиздаги 2 сотихгина ерда иссиқхона қуриб, помидор экиб берганди. У пайтлари бу атрофларда иссиқхона қилинмасди. Шуни ишга солдим. Помидор, бодринг экиб ҳосилини сотдим. Лекин бу билан рўзғорни бутлаб бўлармиди? Имкони бўлса, каттароқ жойда иссиқхона қуришни мақсад қилдим. Лекин жой йўқ эди. Ҳув нарида ҳафтада бир кун бўладиган Чоршанба бозори бор, шу бозорга бордим. Айланиб, мана шу тепаликка чиқиб ўтирдим. Катта ер. Лекин лалми. Фақат янтоқ ўсади. Гўё саҳро бўлиб ётибди. Ўзимча хаёл қилдим: шу ерга ишлов бериб, иссиқхона қилсам, атрофини боққа айлантирсам. Лекин хаёл сурган билан иш битармиди. Қўлимга кетмонни олдим. Ўғилларимни эргаштириб келиб, шу жойни обод қиламиз дедим. Улар ҳам ишонмади. Мен ишга киришдим, улар ортимдан эргашди...

Тожихол ая гурунг авжида тўхтаб қолади. Бир муддат атрофга боқади. Секин бориб, ниҳолларга термилиб, уларга шивирлайди. Гаплашган бўлади. Дарахтлар ҳам уни тушунгандек тебранади. Ая негадир кўзига ёш олади. Балки челаклаб сув келтириб, не азобда ниҳол кўкартирганини эслаётгандир. Ёки катта боққа айлантирганида кимлардир ундан бу жойни тортиб олиш учун жанжал кўтаргани ёдига тушгандир. Нима бўлганда ҳам шу қақроқ жойда катта боғ яратиш осон бўлмагани аниқ.

Ҳа, Тожихол ая ёлғиз она бўлиб бош эгмади. Барчасидан ориятини устун қўйиб, бирор кишидан ёрдам сўрамади. Ёлғизлигини айтиб, маҳалла ёки бирор идора эшигини тақиллатмади. Ўз кучига ишонди. Гоҳида қўл билан, гоҳида техника ёрдамида ер очди. Режаси бўйича дастлаб ўттиз сотих ерда иссиқхона ташкил қилди. Тажрибали боғбонлар билан маслаҳатлашиб, лимон кўчатларини экди. Пастдан сув тортиб, томчилатиб суғоришни йўлга қўйди. Тиришқоқлиги боис, агротехник тадбирларни ўқиб-ўрганди. Вақтида ўғитини берди. Ҳаракати самара бериб, тез орада эккан ниҳоллари бўй кўрсатиб, ҳосилга кирди. Аста-секин оиласига даромад кириб, турмуши яхшилана бошлади. Ташаббускор аёл бу билан чекланиб қолмади. Яна янги иссиқхона қурди. Бунга ҳам лимон экиб, энди кўпроқ даромад топадиган бўлди. Бир пайтлар қаровсиз ер обод масканга айланди. Бугун Тожихол ая шу ернинг ўзида тўртта иссиқхона қуриб, жами бир гектар ерни лимонзорга айлантирган.

— Гоҳида турмушидан нолиган кишиларни кўрсам, чидаб туролмайман. Айниқса, бор имкониятини ишга солмай, баҳона қидирувчиларга тоқатим йўқ, — дейди ая. — Ахир давлатимиз раҳбари бугун аҳоли учун катта имкониятлар эшигини очиб берди. Ҳаракат қилган кам бўлмайди. Тўрт сотих томорқадан миллионлаб даромад топиш мумкин. Бугун иш излаб, ўзга юртда сарсон бўлишга зарурат йўқ. Бозоримиз обод. Хирмонимизга барака кирган. Тунов куни бир ёш оиланинг можаросига гувоҳ бўлдим. Оила бошлиғи ишсиз. Арзимас етишмовчилик оқибатида келин ажрашмоқчи. Икки боласи етим қолишини ўйлагани ҳам йўқ. Қўлимдан келганча насиҳат қилдим. Оила муқаддас қўрғон, уни асраш эса эр ва хотиннинг бирдек вазифаси эканини тушунтирдим. Катта ҳовлиси бор экан. Деҳқончилик қилиш йўлини ўргатдим. Анчадан бери қўл урилмаган томорқасига ўзим бош бўлиб, ишлов бердик. Тўқсонбости экинлар экишни мўлжал қилдик. Ҳали ерга уруғ қадалмасидан ҳосилни сотиш ҳақида ўйлаб ўтирибди. Ҳосил тайёр бўлса, харидор шу ернинг ўзидан сотиб олиб кетишини уқтирдим. Ҳозир иккаласи бир-бирини тушуниб, меҳнат қиляпти. Оилада келишмовчилик аслида бекорчиликдан келиб чиқади.

Бугун элликка яқин набира, ўттиз чеваранинг севимли момоси Тожихол ая ибратли иши билан нафақат маҳалласида, балки Чироқчи туманида кўпчиликка намуна. Ўзи айтганидек, кўплаб оилаларнинг бошини қовуштиришда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Ёлғиз боши билан етти фарзандни уйли-жойли қилди. Кечалари қўлига китоб олиб, болаларининг ҳаммаси олий маълумотли бўлишига эришди. Ҳозир ҳам қўлидан китоб тушгани йўқ. Набиралари ўртасида китобхонлик кечаларини ўтказиб, ўз маблағидан уларни рағбатлантириб бормоқда.

— Ҳалол меҳнат ортидан шу кунларга етдим. Тўрт ўғилни ўқитиб, уйли-жойли қилдим. Уч қизни узатдим. Ҳозир икки набирам юридик, иккиси тиббиёт ва яна икки нафари педагогика йўналиши бўйича олийгоҳда таҳсил олмоқда, — дейди Тожихол ая. — Уларнинг моддий таъминотини ўзим қиламан. Контракт пулини тўлаб бераман. Ўқиган одам ҳеч қачон кам бўлмаслигини доим уқтираман. Қолган набираларимнинг ҳам ўқишга иштиёқи баланд. Бу борада ўзим доим қаттиққўлман. Шуларнинг бахту камолини кўраман деб, кечани кеча, кундузни кундуз демадим. Шукрки, шундай кунларга етказди. Ҳалоллик ортидан бировдан кам бўлганим йўқ. Шу пайтгача чарчаш нималигини билмадим. Доим ҳаракатдаман. Президентимиз биз учун қанча ҳаракат қилмоқда. Турли давлатларга бориб, келишувларга эришмоқда. Бунинг барчаси халқимиз манфаати учун! Яқинда Кореяга борганини кузатиб ўтирдим. Бир зум тиним билмади. Ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишга ҳаракат қилди. Ҳатто ўша ерда ўқиётган ўғил-қизларимиз ҳолидан ҳам хабар олишга улгурди. Шундай экан, томошабин бўлиб ўтиришга ҳаққимиз йўқ. Бу Ватанни авайлаб асраш, юксакка олиб чиқиш — ҳар биримизнинг бурчимиз.

Аянинг боғини кўздан кечирган кишининг дили яйрайди. Бир гектар лимонзордан ташқари ҳам дарахтлар кўп. Атроф яшилликка бурканиб, ўзгача манзара ҳосил қилган. Бу ерлар аввал янтоқзор бўлганига ишонмайсиз. Бир томони токзор, иккинчи томонида олма дарахтлари экилган. Токлар шу йил ҳосилга кириб, 10 миллион сўмга яқин даромад келтирибди. Тожихол ая илгари лимонини ички бозорда сотарди. Ҳозир экспортни йўлга қўйган. Ўтган йили хорижлик ишбилармонларга 100 минг долларлик маҳсулот сотди. Жорий йилда 300 минг долларлик мева сотишни мақсад қилган. Йиллик даромадини ҳисоблашни унча хоҳламайди. Лекин бир миллиард сўмга яқинлашаётгани тахмин қилинади. Ажабланарлиси, бирор марта банкдан кредит олмаган. Доим ўз кучига ишониб келган. Ҳозир фарзандларидан ташқари маҳалласидаги олти хотин-қизнинг бандлигини таъминлаган. Ҳали олдинда қилиши лозим бўлган ишлари кўп...

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Бугун бизда имконият бор. Энди асосий вазифа шу имкониятни билимга, билимни тадқиқотга, тадқиқотни янги натижага, янги натижани эса мамлакат тараққиётига хизмат қиладиган қадриятга айлантиришдир.

КЎЗГУ 5

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

2026 йил 14 октябрь, 212-сон

АНИҚЛИК, МАНТИҚ ВА УЙҒУНЛИККА АСОСЛАНГАН ТАФАККУР

Ўзбекистон Фанлар академияси В.И.Романовский номидаги Математика институти директори, академик Ўткир РОЗИҚОВ билан “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳаррири Салим ДОНИЁРОВ суҳбати



Бошланиши 1-бетда

— Бугун математика кўпчилик тасаввурида фундаментал фан сифатида қабул қилинади. Аммо замонавий дунёда у иқтисодиёт, технология, сунъий интеллект ва ҳатто давлат бошқарувининг стратегик ресурсига айланмоқда. Биз келгусида бу интеллектуал кенгликни миллий юксалиш омилига айлантира оламизми?

— Ҳозирги кунда мамлакатларнинг рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан табиий ресурсларга эмас, балки инсон капитали ва интеллектуал салоҳиятга боғлиқ. Математика ана шу интеллектуал салоҳиятнинг энг муҳим асоси ҳисобланади. Сунъий интеллект, квант технологиялари, криптография, робототехника, иқтисодий моделлаштириш, маълумотларни таҳлил қилиш — буларнинг барчаси замирида математика бор. Шу боис, математикага фақат мактабда ўқитиладиган фан ёки фундаментал тадқиқот сифатида эмас, мамлакатнинг стратегик интеллектуал ресурси сифатида қараш керак.

Бунинг учун эса иқтидорли ёшларни эрта аниқлаш, улар учун кучли математик муҳит яратиш, илмий мактабларни қўллаб-қувватлаш ва энг муҳими, уларга Ўзбекистонда туриб дунё даражасида тадқиқот билан шуғулланиш имкониятини бериш зарур.

Менимча, мамлакатимизнинг келажакдаги интеллектуал юксалишининг муҳим омилларидан бири математика, табиий фанлар ва замонавий технологиялар уйғунлиги бўлади.

— Айни дамда институтдаги изланишлар самараси нималарда кўзга ташланмоқда? Тадқиқотларнинг мамлакат иқтисодиёти, саноати, рақамли трансформацияси ёки бошқа соҳалар ривожига қўшаётган ҳиссаси ҳақида нима дея оласиз?

— Математика институтининг асосий вазифалари янги илмий (назарий) натижалар олиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, халқаро илмий ҳамкорлик, математика таълими ўқув-услубий материалларини мувофиқлаштириш, математиканы мамлакат тараққиёти йўлида қўллашдир.

Янги илмий натижаларимиз институт олимлари томонидан ҳар йили 200 дан ортиқ илмий мақоланинг SCOPUS базасидаги нуфузли халқаро нашрларда эълон қилинишида яққол намоён бўлмоқда. Шунингдек, математик кадрлар тайёрлаш соҳасида институт мамлакатдаги етакчи илмий марказ сифатида давлат буюртмаси асосида етарли миқдорда фалсафа доктори ва фан докторларини ўз вақтида тайёрлаб келмоқда.

Бугун замонавий математика билан амалий соҳалар ўртасидаги боғлиқлик тобора кучаймоқда. Биз инсоният тараққиётининг ниҳоятда муҳим ва тарихий босқичларидан бирида яшаяпмиз. Назаримда, инсоният тараққиётидаги илмий-технологик ўзгаришларни шартли равишда уч йирик инқилоб билан боғлаш мумкин.

Биринчи инқилоб — электр энергиясининг кашф этилиши ва кенг қўлланиши. Бу инсониятга илгари минглаб одамлар меҳнати талаб қилинган кўплаб жараённи техника ёрдамида бажариш имконини берди. Натижада ишлаб чиқариш самарадорлиги кескин ошди, саноат ривожланди ва янги иқтисодий имкониятлар пайдо бўлди.

Иккинчи инқилоб — интернет ва рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши. Интернет инсониятга улкан ҳажмдаги ахборотни тезкор излаш, олиш ва узатиш имконини берди. Натижада жамият ҳаётининг деярли барча соҳаси — илм-фан, таълим, иқтисодиёт, тиббиёт, саноат ва бошқарув жараёни босқичма-босқич рақамлаша бошлади.

Учинчи инқилоб — сунъий интеллект даври. Бугун сунъий интеллект инсониятнинг билим олиш, ахборотни қайта ишлаш ва интеллектуал фаолият имкониятларини янги босқичга олиб чиқмоқда. Энди иқтисодий ҳамда илмий тараққиётда нафақат табиий ресурслар ва анъанавий технологиялар, балки маълумотлар, математик моделлар, алгоритмлар ва сунъий интеллект технологияларини яратиш ҳам стратегик аҳамият касб этмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, математика бугунги учинчи инқилобнинг фундаментал асосларидан бирига айланмоқда. Чунки сунъий интеллект, машинавий ўқитиш, катта маълумотлар, криптография ва замонавий рақамли технологиялар асосида математик моделлар, алгоритмлар ва назариялар ётади.

Шунинг учун бугун математикага фақат назарий фан сифатида эмас, балки мамлакатнинг илмий-технологик ва иқтисодий тараққиётини таъминлайдиган стратегик йўналиш сифатида қаралиши лозим.

Институтимизда фундаментал математик тадқиқотлар билан бир қаторда, математика ютуқларини тиббиёт, фармацевтика, рақамли технологиялар ва космик соҳаларга татбиқ этишга қаратилган қатор амалий лойиҳалар устида ҳам ишлаяпмиз.

Биринчидан, сунъий интеллект ёрдамида янги дори-дармонларни яратиш жараёнини тезлаштириш ва оптималлаштириш.

Анъанавий усулларда янги дори воситасини ишлаб чиқиш кўп йил ва катта молиявий ресурс талаб қилиши мумкин. Сунъий интеллект эса улкан ҳажмдаги биологик ва кимёвий маълумотларни тезкор таҳлил қилиш, истиқболли бирикмаларни аниқлаш ва уларнинг хусусиятларини олдиндан прогнозлаш имконини беради. Бу эса янги дори воситаларини яратиш жараёнини тезлаштириш ва тадқиқот харажатини камайтиришга хизмат қилиши мумкин.

Иккинчидан, генератив сунъий интеллект ва катта тил моделлари — LLM (Large Language Model) соҳасидаги тадқиқотлар. Бугун дунёда катта тил моделлари, ақлли ёрдамчилар, автоматлаштирилган таҳлил тизимлари ва билимга асосланган рақамли платформалар жуда тез ривожланмоқда. Биз ҳам ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда катта тил моделларини яратиш ҳамда улардан илм-фан, таълим, давлат бошқаруви ва бизнес жараёнида фойдаланиш имкониятини ўрганяпмиз.

Учинчидан, тиббиётда шифокорга ёрдам берувчи математик ва сунъий интеллект тизимларини яратиш. Масалан, қандли диабет нафақат қондаги қанд миқдорига, балки юрак-қон томир тизими ва буйраклар фаолиятига ҳам таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун қайси беморда келажакда қандай жиддий асоратлар ривожланиши хавфи юқорилигини олдиндан аниқлаш муҳим. Математика институти олимлари бу масалани математика, тиббиёт ва сунъий интеллектни бирлаштирган ҳолда ўрганмоқда. Бу ерда асосий мақсад шифокорни компьютер билан алмаштириш эмас. Аксинча, шифокорга катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш ва тўғри клиник қарор қабул қилишда ёрдам берадиган рақамли ассистент яратишдир.

> **Келажакда компьютер ҳисоблайди, сунъий интеллект ёрдам беради, аммо қайси масалани қўйиш, қайси моделни танлаш ва натижанинг тўғрилигини баҳолаш инсоннинг математик тафаккурига боғлиқ бўлади. Шу маънода, сунъий интеллект математика учун рақобатчи эмас, балки янги имкониятларни очадиган восита бўлиши мумкин.**

Тўртинчидан, компьютер томографияси тасвирларини математик усуллар асосида қайта тиклаш. Бугун компьютер томографияси (КТ) тиббиётда инсон танасини кесмай туриб, ички аъзолар, ўсмалар ва жароҳатларни юқори аниқликда кўриш имконини беради. Саноатда эса ундан мураккаб деталларнинг ички нуқсонларини аниқлашда кенг фойдаланилади. Бироқ КТ технологиясида муҳим вазифалардан бири нурланиш дозасини камайтирган ҳолда оз сонли проекциялар асосида ҳам аниқ тасвир олишдир. Математика институтида КТ тасвирларини тиклашга қаратилган оптимал математик усуллар ишлаб чиқилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад беморнинг нурланиш дозасини камайтириш, тасвир аниқлигини ошириш ва хатоликни камайтириш, сунъий артефактлар ҳамда шовқинларни бартараф этиш, компьютерда тез, шу билан бирга, барқарор ишлайдиган алгоритмларни яратиш. Бу эса келажакда тиббий тасвирларни тезкор қайта ишлаш ва ташхис жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилиши мумкин.

Бешинчидан, космик технологиялар, авиация ва автоном бошқарув тизимлари учун математик моделлаштириш. Космик технологиялар, авиация ва автоном бошқарув тизимларининг жадал ривожланиши мураккаб ҳаракат жараёнларини математик моделлаштириш ва самарали бошқариш усулларини ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Институтимиздаги муҳим тадқиқот йўналишларидан бири марказий гравитацион майдонларда ҳаракатланувчи объектлар, жумладан, космик аппаратлар ва бошқарилувчи ракета тизимларининг ҳаракатини оптимал бошқариш масалаларини ўрганишдир.

Бу йўналишда иккита объектнинг қарама-қарши мақсадлари — бирининг иккинчисини аниқ тутиб олишга, иккинчисининг эса ундан қочишга интилиши дифференциал ўйинлар назарияси асосида тадқиқ этилмоқда.

Бундай математик ёндашувлар космик аппаратларнинг яқинлашуви, сунъий йўлдошлар ҳаракатини бошқариш, космик чиқиндилар билан боғлиқ хавфларни камайтириш, шунингдек, автоном учувчи қурилмалар, дронлар ҳаракатини мувофиқлаштириш каби масалаларда муҳим аҳамият касб этади.

Олтинчидан, институтнинг Бухоро бўлинмаси томонидан ўрганилган математик модель пахта хомашёси ғарамидаги кўчиш жараёнларини адекват тавсифлаш учун қўлланди. Натижада параллелепипед шаклидаги пахта ғарамининг очиқ осмон остида жойлашган барча сиртида атроф-муҳит билан конвектив иссиқлик ва намлик алмашинуви ҳамда хирмон ҳароратини прогнозлаш аниқлиги 8-10 фоиз ошди. Димланиш ва ўз-ўзидан ёнишнинг олдини олиш ҳисобига пахта толаси сифатидаги йўқотишлар 4-5 фоиз камайди. Шунингдек, хомашёни сақлаш ва қуритиш билан боғлиқ молиявий ҳамда меҳнат харажатлари 7 фоиз қисқарди.

Еттинчидан, институтнинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлинмаси томонидан сейсмик маълумотларни қайта ишлаш аниқлигини оширувчи математик моделлар ишлаб чиқилмоқда. Улардан асосий мақсад қудуқларни нотўғри бурғилаш хавфини камайтириш, сейсмик маълумотларни қайта ишлаш аниқлигини ошириш, сарф-харажатларни тежаш, саноат корхоналарининг иқтисодий фойдасини кўпайтириш. Бу эса келажакда Ўзбекистоннинг минерал хомашё базасини аниқлашда миллиардлаб маблағни тежаш ва иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилиши мумкин.

Айниқса, сунъий интеллект ва автоном технологиялар жадал ривожланаётган ҳозирги даврда бундай фундаментал математик тадқиқотлар келажакда хавфсиз, ишончли ва самарали бошқарув тизимларини яратиш учун муҳим илмий пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Умуман олганда, бу тадқиқотлар бир жиҳатни яққол кўрсатмоқда: замонавий математика фақат назарий билимлар мажмуи эмас. У бугун тиббиётдан тортиб фармацевтикагача, сунъий интеллектдан тортиб космик технологияларгача бўлган энг муҳим соҳаларнинг илмий асосларидан бирига айланмоқда. Институтимизнинг вазифаси эса ана шу фундаментал салоҳиятни амалий натижага айлантиришдир.

— Математика — ёшлар фани. Шу ўринда иқтидорли ёш математикни олим даражасига олиб чиқиш жараёни хусусида тўхталсангиз. Бу институт олдига қандай вазифаларни қўймоқда? Умуман, дунёга машҳур математикларни тарбиялайдиган илмий мактаблар яратиляптими? Бу жараёнда нималарга таянилмоқда?

— Математикада иқтидорнинг ўзи етарли эмас. Иқтидорга муҳит, устоз ва энг муҳими — вақт керак. Бугун давлатимиз томонидан илм-фанга қаратилаётган эътибор натижасида ёшларимиз учун ана шу учта муҳим шарт тобора кенг яратилмоқда. Ёшлар ва олимларнинг илмий фаолият билан шуғулланиши учун шароитлар яхшиланмоқда. Уларни илмий изланишдан чалғитадиган кўплаб ишлардан озод қилишга эътибор қаратилмоқда. Бу — илм учун вақт дегани.

Институтларимизда бино, лабораториялар ва илмий-техник база янгиланди. Бу эса замонавий, халқаро талабларга мос илмий муҳит яратиш имконини берди. Энг муҳими, математика соҳасида кучли ва тажрибали устозлар бор. Демак, бизда иқтидор, муҳит ва устозни бирлаштириш учун зарур асос мавжуд.

Ёш математикни олим даражасига олиб чиқиш учун ҳаракат мактаб давридан бошланиши, кейин бакалавриат, магистратура, докторантура ва мустақил илмий тадқиқот босқичларида узвий давом этиши керак.

Институт олдида турган энг муҳим вазифалардан бири — илмий мактабларимизни сақлаш ва ривожлантириш билан бирга янги илмий мактабларни шакллантиришдир. Бунинг учун ёш олимни фақат диссертация ёзишга эмас, аввало, илмий муаммони кўра билиш, саволни тўғри қўйиш, мустақил фикрлаш ва янги натижа яратишга ўргатишимиз керак.

Жаҳонда тан олинган кучли математика мактаблари бир-икки йилда шаклланиб қолмаган. Уларнинг ортида ўнлаб йиллар давомида яратилган илмий анъана, кучли устозлар ва бир-бирини давом эттириб келаётган шогирдлар авлоди туради.

Шунинг учун институтимизда ёш олимлар учун ана шундай илмий муҳитни сақлаш ва янада ривожлантиришни асосий вазифаларимиздан бири деб биламан.

Бизда ***“Кучли устоз — иқтидорли шогирд — замонавий илмий муҳит — долзарб тадқиқот — халқаро натижа — амалий татбиқ”*** занжири узлуксиз ишлаши керак. Агар шу тизимни ярата олсак, бугунги иқтидорли ёшлар эртага институтимизнинг янги илмий мактабларини яратадиган, Ўзбекистон математикаси нуфузини халқаро миқёсда янада юксалтирадиган олимлар бўлиб етишади.

— Илм ва амалиёт уйғунлиги фан ривожида муҳим. Университетлар, тадқиқот институтлари ва хусусий технология компаниялари ўртасидаги ҳамкорликнинг кучайиши мамлакат иқтисодий барқарорлиги ва ривожида муҳим аҳамиятга эга, шундай эмасми? Ўзбекистонда фундаментал математика билан бизнес ва технологик сектор ўртасида қандай кўприк бор?

— Университет, илмий-тадқиқот институти ва технологик компания бир-биридан алоҳида ишласа, имкониятларнинг бир қисми йўқолади. Университет кадр тайёрлайди, институт янги билим яратади. Бизнес эса бу билимни технология ва маҳсулотга айлантириши мумкин.

Масалан, сунъий интеллект ва машинавий ўқитиш соҳаларида чизиқли алгебра, эҳтимоллар назарияси, статистика, оптималлаштириш ва дифференциал тенгламалар каби классик математик йўналишлар муҳим ўрин тутади. Шунинг учун Ўзбекистонда “фундаментал математика → амалий тадқиқот → технология → иқтисодий қиймат” занжирини шакллантиришимиз керак.

Бунинг учун институтлар ва технологик компаниялар ўртасида қўшма лабораториялар, амалий лойиҳалар, стажировкалар ва грант дастурларини кўпайтириш мақсадга мувофиқ.

— Сўнгги йилларда сунъий интеллект ҳақида кўп гапира бошладик. Фикримизча, яқин келажакда у тараққиётни белгилаб берадиганга ўхшайди. Сунъий интеллект ривожланиши математикага эҳтиёжни камайтирадими?

— Аксинча, менимча, сунъий интеллект математикага эҳтиёжни янада оширади. Чунки сунъий интеллектнинг ўзи математик ғоялар асосига қурилган. Машинани маълумот билан таъминлаш мумкин, аммо алгоритмнинг қандай ишлаши, унинг барқарорлиги, оптималлашуви, эҳтимолий хатолари ва натижаларининг ишончлилиги математик асосни талаб қилади.

Албатта, сунъий интеллект математик ҳисоб-китобларнинг бир қисмини автоматлаштиради. Лекин ҳисоблашни автоматлаштирган билан математик фикрлашга эҳтиёж йўқолмайди.

Келажакда компьютер ҳисоблайди, сунъий интеллект ёрдам беради, аммо қайси масалани қўйиш, қайси моделни танлаш ва натижанинг тўғрилигини баҳолаш инсоннинг математик тафаккурига боғлиқ бўлади. Шу маънода, сунъий интеллект математика учун рақобатчи эмас, балки янги имкониятларни очадиган восита бўлиши мумкин.

— Бугунги замонавий инсоннинг “математик тафаккури” ўзида нималарни жамлаяпти?

— Мен математик тафаккурни фақат формулаларни билиш деб тушунмайман. У, аввало, мантиқий ва тизимли фикрлаш, муаммони тўғри қўя билиш, мураккаб масалани қисмларга ажратиш, сабаб ва оқибатни кўриш, далил билан тахминни ажратиш, ноаниқлик шароитида қарор қабул қилиш қобилиятидир.

Бугунги инсон учун яна бир муҳим хусусият — абстракт фикрлаш билан амалий фикрлашни бирлаштира олиш.

Математик тафаккур инсонга фақат математика масаласини ечишда эмас, балки ҳаётдаги мураккаб муаммоларни тушунишда ҳам ёрдам беради.

— Математика сиз учун нима?

— Қисқа қилиб айтганда, математика — мен учун тафаккур маданияти. У менга фақат теоремалар ва формулаларни эмас, балки мураккаб нарса ичида оддийликни, тартибсизлик ичида қонуниятни ва номаълумлик ичида мантиқий йўлни излашни ўргатди. 33 йил институтда ишлаб, шунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим: математиклик — фақат касб эмас. У инсонни сабрли, аниқ ва мустақил фикрлашга ўргатади. Шу боис, мен учун математика — ҳам илм, ҳам тафаккур, ҳам ҳаёт тарзи.

— Математика ва математик таълимни ривожлантириш бўйича қандай таклифларингиз бор?

— Бугун мамлакатимизда математика ва математик таълимни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Энди асосий вазифа — яратилган имкониятлардан самарали ва тўлиқ фойдаланиш. Шу нуқтаи назардан, математик олимларимиз ва математика ўқитувчиларимиз олдида турган бир нечта муҳим вазифага тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчиси — иқтидорни эрта аниқлаш ва уни тўғри йўналтириш. Математикага қизиқиши ва қобилияти юқори бўлган болани 15-16 ёшгача кутиб ўтирмай, мактаб давриданоқ аниқлашимиз ва мунтазам ривожлантиришимиз керак. Бунинг учун олимлар, университет ўқитувчилари ва мактаб математика муаллимлари ҳамкорликда ишлаши зарур.

Иккинчиси — математика ўқитувчисининг касбий салоҳиятини мунтазам ошириш. Кучли математик таълим, аввало, салоҳиятли ўқитувчига боғлиқ. Шунинг учун ҳар бир математика ўқитувчиси ўз билимини мунтазам янгилаб бориши, замонавий математик ёндашувлар билан танишиши ва илмий муҳит билан алоқасини узмаслиги керак. Олимлар эса ўқитувчилар билан яқиндан ишлаб, уларга замонавий математика ва уни ўқитиш методикаси бўйича илмий-услубий ёрдам бериши лозим.

Учинчиси — мактаб, университет ва илмий институт ўртасида узлуксиз ҳамкорликни йўлга қўйиш. Иқтидорли ўқувчи мактабни тугатгандан кейингина илмий муҳитга кириб келмаслиги керак. У мактаб давриданоқ олимлар ва университет профессорлари билан мулоқот қилиши, илмий семинарлар ва математика тўгаракларида иштирок этиши мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, университет талабаларини ҳам илмий тадқиқотга эрта жалб қилишимиз керак. Мактаб — университет — институт занжири узлуксиз ишласа, иқтидорли ёшни олим даражасига олиб чиқиш жараёнини анча самарали ташкил эта оламиз.

Тўртинчиси — илмий мактабларни давом эттириш ва янги илмий мактаблар яратиш. Бир олимнинг шахсий илмий ютуғи, албатта, муҳим. Аммо математиканинг узоқ муддатли тараққиёти учун ундан ҳам муҳимроғи олим атрофида янги авлод шогирдларининг шаклланишидир.

Шунинг учун ҳар бир тажрибали математик ўз илмий йўналиши бўйича шогирдлар тайёрлашни ўзининг муҳим вазифаларидан бири деб билиши керак. Биздаги илмий мактаблар узлуксиз авлодлар алмашинуви асосида яшаши ва ривожланиши лозим.

Бешинчиси — ёш математикларни халқаро илмий муҳитга олиб кириш. Бугун математик учун халқаро илмий муҳитга чиқиш имконияти жуда кенг. Ёш олимлар хорижий олимлар билан қўшма тадқиқотлар олиб бориши, халқаро конференция ва семинарларда қатнашиши, илмий ҳамкорлик тармоқларига кириши ҳамда ўз натижаларини халқаро даражада тақдим этиши керак. Бу ерда вазифа фақат мақола сонини кўпайтириш эмас, халқаро математика ҳамжамиятида янги ғоя ва янги натижа билан иштирок этишдир.

Олтинчиси — математик тадқиқотларни замонавий амалий масалалар билан боғлаш. Математиканинг фундаментал аҳамияти камаймайди, аксинча, унинг имконияти янада кенгаяди. Математика таълимида математик тафаккурни шакллантиришга кўпроқ эътибор беришимиз керак. Ўқувчи тайёр формулани билиши эмас, балки муаммони кўра олиши, савол қўя билиши, мантиқий фикрлаши ва ечим топишга ҳаракат қилиши муҳим.

Бугун бизда имконият бор. Энди асосий вазифа шу имкониятни билимга, билимни тадқиқотга, тадқиқотни янги натижага, янги натижани эса мамлакат тараққиётига хизмат қиладиган қадриятга айлантиришдир.

Диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларнинг мазмунига теран назар ташласак, улар бир-бири билан узвий боғлиқ жараёнларни қамраб олганини кўрамиз. Буларнинг барчасини бирлаштириб турган бош ғоя эса “Жаҳолатга қарши маърифат”дир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 14 октябрь, 212-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Мулоҳаза



Бугунги дунё шиддат билан ўзгараётган, ахборот оқими инсон тафаккури ва дунёқарашига ҳар қачонгидан кўра кучлироқ таъсир кўрсатаётган мураккаб бир даврда жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш масаласи фақат ҳуқуқий ёки маъмурий чоралар билан чекланиб қолмайди.

МАЪРИФАТ, ИЛМ ВА БАҒРИКЕНГЛИККА ТАЯНГАН ЁНДАШУВ



Илҳом МАЪРУПОВ,
Дин ишлари бўйича қўмита раисининг маслаҳатчиси

Зеро, жаҳолатнинг илдизи кўп ҳолларда билимсизлик, тор дунёқараш, ахборотни танқидий таҳлил қила олмаслик, сохта ва ишончли манбаларни ажрата билмаслик, шунингдек, ижтимоий муаммолар ҳамда бузғунчи ғояларнинг асл моҳиятини англамаслик билан боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан, “Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси оддий шиор эмас, инсонни билим, мустақил тафаккур, ҳуқуқий ва медиасаводхонлик, миллий ва умуминсоний қадриятлар, бағрикенглик ҳамда онгли танлов қобилияти билан қуроллантиришга қаратилган кенг қамровли ёндашувдир.

Мамлакатимизда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмуни ҳам айнан шу ёндашув билан уйғунлашмоқда. Бу жараённи шартли равишда бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган олти йўналишда кўриш мумкин: ҳуқуқий кафолат, маърифат ва таълим, илмий тадқиқот, профилактика, конфессияларо бағрикенглик ҳамда замонавий ахборот муҳити билан ишлаш.

Айнан ушбу омилларнинг уйғунлиги янги Ўзбекистонда шаклланаётган диний-маърифий ёндашувнинг ўзига хос жиҳатларини белгилаб беради. Диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларнинг биринчи шарти виждон эркинлигини таъминлашдир. Инсон эътиқодига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, унинг диний қарашлари бўйича эркин қарор қабул қилиши учун ҳуқуқий кафолатлар мавжудлиги маърифий ва бағрикенг жамиятнинг муҳим белгиларидан.

Мамлакатимизда бу борадаги ҳуқуқий база босқичма-босқич такомиллаштириб борилди. Хусусан, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши мазкур соҳадаги муносабатларни замонавий талаблар асосида тартибга солиш учун ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлади.

Диний-маърифий соҳани такомиллаштиришга нисбатан комплекс ёндашув шаклланиб, унинг ҳуқуқий, институционал ва илмий асосларини қамраб олган яхлит тизим босқичма-босқич қарор топди. Бу жараён диний-маърифий соҳага муносабат алоҳида муаммоларга жавоб беришдан кўра, тизимли ёндашув асосида ташкил этилаётганини кўрсатади.

Аждодларимиз илмни инсон ва жамият тараққиётининг муҳим омили сифатида қадрлаган. Шу жиҳатдан бугунги маърифий ёндашувни тарихий меросимиздаги илм ва маърифат анъаналарининг замонавий давоми сифатида баҳолаш мумкин.

2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Президентимиз “Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мурosa қила олмаймиз”, деган эди.

Мазкур ёндашув муҳим бир тамойилни ифодалайди: зўравонлик ва бузғунчи ғояларга қарши кураш қатъий ҳуқуқий чоралар билан бир қаторда, уларнинг тарқалишига замин яратувчи ижтимоий ва маърифий омилларни бартараф этишни ҳам қамраб олиши зарур.

Янги Ўзбекистондаги маърифий ёндашувнинг йирик амалий ифодаларидан бири Ислом цивилизацияси марказидир. Унинг аҳамиятини фақат тарихий меросни намойиш этувчи мажмуа сифатида баҳолаш масаланинг моҳиятини тўлиқ очиб бера олмайди. Марказнинг энг муҳим вазифаларидан бири юртимиз заминида шаклланган илмий, диний ва маданий меросни чуқур тадқиқ қилиш, замонавий илмий муомалага киритиш, жаҳон жамоатчилигига етказиш ҳамда мазкур меросни бугуннинг долзарб масалалари билан узвий боғлашдир.

Шу маънода, марказнинг очилиши нафақат муҳим тарихий воқеа, балки тарихий меросга муносабатда янгича ёндашув ифодасидир. Бу ўринда аждодларимизнинг илмга интилиш, изланиш ва инсонпарварлик анъаналарини замонавий авлоднинг интеллектуал салоҳиятига айлантириш, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, марказ янги Ўзбекистондаги кенг кўламли маърифий ислоҳотларнинг ҳам рамзий, ҳам амалий ифодаси сифатида намоён бўлади.



Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий ва Баҳоуддин Нақшбанд номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказларининг ташкил этилиши замирида ҳам улкан мақсадлар мужассам. Уларнинг фаолияти фақат бой тарихий меросимизни муҳофаза қилишдан иборат эмас. Бугун ноёб қўлёзма ва манбаларни тадқиқ этиш, уларни илмий муомалага киритиш ҳамда замон талаблари асосида ўрганиш ушбу марказларнинг бош вазифасига айланган. Мазкур жараён халқаро илмий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш билан бирга юртимизда кучли тадқиқот мактабларини шакллантиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Айни марказларнинг роли икки томонлама аҳамиятга эга: улар бир вақтнинг ўзида ҳам тарихий-диний меросимизни чуқур ўрганади, ҳам жамият учун ишончли илмий манбаларни тайёрлаб беради. Бугун марказлар томонидан чоп этилаётган китоблар, илмий асарлар ва оммабоп рисолалар бу фикримизнинг ёрқин далилидир.

Диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларни таълим тизимидан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Олий диний таълимда магистратура босқичининг жорий этилиши, шунингдек, ўқув дастурларининг замонавий талаблар асосида такомиллаштирилиши ҳам ушбу жараённинг муҳим қисми.

Диний таълим муассасаларида ўқитилаётган фан дастурларининг янгиланиши ва янги авлод ўқув адабиётларининг яратилиши эса, ўз навбатида, диний мутахассислар тайёрлашга қўйилаётган талабларнинг ўзгариб бораётганини кўрсатади.

Бугун диний мутахассис фақат диний манбаларни билиш билан чекланиб қолмаслиги керак. У ҳуқуқий саводхон, замонавий ахборот муҳитини тушунадиган, ёшлар билан мулоқот қила оладиган, ижтимоий жараёнларни теран англайдиган ва турли саволларга илмий асосланган жавоб берадиган етук мутахассис бўлиши зарур.

Имом-хатибларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг такомиллаштирилиши, ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий фанлар бўйича махсус модулларнинг жорий этилиши соҳадаги ижобий сифат ўзгаришларининг муҳим кўринишидир.

Агар инсон мустақил фикрлаш, ахборотни танқидий баҳолаш ва далилларни солиштириш қобилиятига эга бўлса, уни сохта ахборот ва манипулятив ғоялар таъсирига тушириш қийинлашади.

Шу боис, инсоннинг ишончли ва сохта манбаларни ажрата олиши, ахборотни танқидий баҳолай билиши, турли қарашларни ўзаро солиштириши, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини чуқур англаши, бошқа эътиқод вакилларига ҳурмат билан муносабатда бўлиши ҳамда қабул қилган қарорлари учун масъулият ҳис қилиши жуда муҳим. Айнан мана шу кўникмалар мажмуи жамиятнинг маънавий ва интеллектуал барқарорлигини янада мустаҳкамлайди.

Бугун диний-маърифий ишлар маҳалла, таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва ёшларга яқинлаштирилган ҳолда ташкил этилмоқда. Бу жараёнда ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари ва маҳаллий аҳолининг эҳтиёжлари тўлиқ инобатга олинмоқда. Зеро, бир ҳудудда ахборот саводхонлиги долзарб масала бўлса, бошқа бир ҳудудда ёшлар билан ишлаш ёки оилавий-ижтимоий масалалар устувор аҳамият касб этиши мумкин.

Маърифий ишлар ягона қолип асосида эмас, балки аудитория ва ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, маърифий ишларнинг мазмуни ва шаклини жойлардаги реал эҳтиёжларга мослаштириш, амалий таъсирчанлигини ошириш имконини бермоқда.

Диний-маърифий соҳадаги ишлар мазмун ва шакл жиҳатидан ҳам замонавий аудитория эҳтиёжларига мослашиб бормоқда. Айниқса, ёшлар билан ишлаш жараёнида фақат тайёр маърузалар билан чекланиб қолмай, очиқ мулоқот, савол-жавоб, фикр алмашиш ва далиллар асосида хулоса чиқаришга йўналтирилган ёндашувларга устувор аҳамият берилмоқда.

Бундай тадбирларда иштирокчиларнинг фаол фикр билдириши, саволлар бериши ва турли қарашларни муҳокама қилиши учун барча имконият яратилмоқда. Шу боис, маърифий ишларнинг самарадорлиги фақат қамров кўлами ёки иштирокчилар сони билан эмас, балки уларда шаклланган билим, қараш ва кўникмалар даражасида ҳам баҳоланмоқда.

Ёшларнинг ахборотни асосан интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали қабул қилиши диний-маърифий соҳада рақамли контентнинг аҳамиятини янада оширяпти. Шу муносабат билан мазкур соҳада рақамли платформалар ва ижтимоий тармоқлар орқали маърифий контент тарқатиш амалиёти кенгайиб бормоқда.

Бу жараёнда асосий эътибор контентнинг сонига эмас, балки унинг сифати, тушунарлилиги ва муайян аудитория эҳтиёжларига мослигига қаратилмоқда. Зеро, замонавий ахборот муҳитида маърифий контентнинг таъсирчанлиги унинг қанча кўп тарқатилгани билан бирга инсонга қанчалик тўғри ва ишончли ахборотни етказа олгани билан ҳам белгиланади.

Интернетдаги бўшлиқни, албатта, кимдир тўлдиради. Агар ишончли, илмий асосланган ва маърифий контент етарли бўлмаса, турли сохта талқинлар учун майдон кенгайиб кетиши мумкин. Шу маънода, аудитория қаерда бўлса, маърифат ҳам айнан ўша ерда бўлиши керак.

Диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларни конфессияларо тотувлик ва ўзаро ҳурмат муҳитини шакллантириш жараёнидан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Кўп миллатли ва кўп конфессияли жамиятда турли эътиқод вакилларининг ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик асосида яшаши ижтимоий барқарорликнинг энг муҳим омилларидан.

Шу нуқтаи назардан, конфессиялар иши бўйича кенгаш фаолияти такомиллаштирилиб, ҳудудий механизмлар ривожлантирилмоқда ҳамда турли конфессиялар ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган ишлар изчил бажарилмоқда.

Бағрикенглик — бошқа инсоннинг ҳуқуқлари, эътиқоди ва қарашларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш маданияти. Шу маънода, турли диний конфессияларнинг юбилейи, маданий-маърифий ва бошқа жамоатчилик тадбирларини ўтказиш борасидаги амалиёт конфессияларо мулоқот ва ўзаро ҳамкорлик механизмлари мустаҳкам шаклланаётганини кўрсатади.

Бундай мулоқот муҳитининг мустаҳкамланиши турли эътиқод вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ва ишончни кучайтиришга, жамиятда ҳамжиҳатлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Амалга оширилаётган ўзгаришларда фуқароларнинг диний эҳтиёжларини замонавий, қулай ва қонуний асосда таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳаж ва умра зиёратларини ташкил этишда қулайликлар оширилиши, электрон хизматларнинг жорий қилиниши, диний таълим олиш имкониятларининг кенгайиши, шунингдек, диний саволларга малакали жавоб олиш имкониятининг ривожланиши шулар жумласидан.

Бу жараёнларда асосий эътибор фақат тизим ва институтларнинг такомиллашувига эмас, балки уларнинг инсон учун яратаётган амалий имкониятларига ҳам қаратилмоқда. Яъни фуқаронинг ҳуқуқлари, вақти, турли эҳтиёжлари, саволлари ва маънавий талаблари ислоҳотларнинг муҳим мезонлари сифатида намоён бўлмоқда. Зеро, ҳар қандай тизимнинг самараси инсон ҳаётини қанчалик енгиллаштириб, унинг ҳуқуқ ва эҳтиёжларини қай даражада таъминлаётгани билан белгиланади.

Аждодларимиз меросини ўрганишда бош мақсад фақат уларнинг номини такрорлаш ёки тарихий хотирани тиклаш билан чекланмайди. Асосий вазифа улар қолдирган бой илмий мерос, анъана ва қадриятларни янги авлоднинг интеллектуал салоҳиятига айлантиришдир.

Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа кўплаб алломаларимизнинг мероси бугун янги илмий тадқиқотлар объектига айланмоқда. Бу жараён тарихий меросимизга муносабатнинг тубдан ижобий томонга ўзгараётганини кўрсатади.

Мазкур жараёнларни яхлит тизим сифатида кўрсак, янги Ўзбекистонда шаклланаётган ёндашувни шартли равишда олти асосий хусусият билан ифодалаш мумкин.

Биринчидан, ҳуқуқий кафолат. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолияти учун ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш маърифий муҳитнинг институционал пойдеворини яратади.

Иккинчидан, маърифат ва таълим. Диний билимни замонавий таълим, ҳуқуқий ва медиасаводхонлик ҳамда мустақил фикрлаш кўникмалари билан уйғунлаштириш инсоннинг интеллектуал иммунитетини кучайтиради.

Учинчидан, илм-фан ва тарихий мерос. Буюк алломаларимиз меросини илмий тадқиқ этиш, қўлёзма ва манбаларни ўрганиш ҳамда уларни замонавий илмий муомалага киритиш тарихий хотирани интеллектуал ресурсга айлантиради.

Тўртинчидан, профилактика. Радикализм ва экстремизмга қарши курашда ҳуқуқий чоралар билан бир қаторда таълим, ёшлар билан мулоқот, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ахборот саводхонлигига эътибор қаратиш хавф-хатарларнинг илдиз омилларини камайтиришга қаратилган.

Бешинчидан, бағрикенглик ва мулоқот. Турли конфессия вакилларининг ўзаро ҳурмати, очиқ мулоқот ва ҳамкорлик муҳитини ривожлантириш ижтимоий барқарорликнинг энг муҳим омилларидан.

Олтинчидан, рақамли билим ва маърифат. Ёшлар ва кенг жамоатчилик ахборотни асосан рақамли муҳитдан олаётган бугунги шароитда ишончли, сифатли ва тушунарли маърифий контент яратиш янги давр талабига айланмоқда.

Айнан ушбу йўналишларнинг ўзаро уйғунлиги янги Ўзбекистонда шаклланаётган ёндашувнинг асосий хусусиятларини белгилаб беради.

Диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларнинг мазмунига теран назар ташласак, улар бир-бири билан узвий боғлиқ жараёнларни қамраб олганини кўрамиз. Буларнинг барчасини бирлаштириб турган бош ғоя эса “Жаҳолатга қарши маърифат”дир. Унинг мазмуни оддий, аммо стратегик аҳамияти жуда катта: инсонга тайёр фикр бериш эмас, балки уни мустақил фикрлай оладиган даражага етказиш; билим билан қуроллантириш; зарарли ғояларга қарши фақат тақиқлар билан эмас, соғлом дунёқараш билан қарши туриш; шунингдек, тарихни шунчаки эслаш эмас, ундан келажак учун интеллектуал куч ва озуқа олишдир.

Шу маънода, жаҳолатга қарши курашнинг энг ишончли йўли фақат унинг оқибатлари билан эмас, балки сабабларини ва илдизлари билан ишлашдир. Бу эса узоқ муддатли ёндашувни талаб қилади. Чунки маърифат бир кунда натижа бермайди. Аммо инсонда мустақил тафаккур, билим ва масъулият шаклланса, бу натижа жамиятнинг узоқ муддатли барқарорлигига хизмат қилади.

Маърифий ишлар ягона қолип асосида эмас, балки аудитория ва ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, маърифий ишларнинг мазмуни ва шаклини жойлардаги реал эҳтиёжларга мослаштириш, амалий таъсирчанлигини ошириш имконини бермоқда.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1046.
29213 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Азизбек Юсупов
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98
E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05
Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 21:39 Топширилди — 23:10